



НЕЪМАТГА ШУКР

Аллоҳ таолонинг неъматларига ғарқ бўлмаган инсон топилмайди. Ҳамма Аллоҳ таолонинг неъматидан баҳраманд. Ҳар бир илоҳий неъмат баҳосиз. Куч-қувват, саломатлик, уйқу, хотиржамлик, тинчлик-осойишталик, тоза ҳаво, мусаффо сув... каби неъматларни баҳолаб бўладими? Аллоҳ таоло бандасига имон, илм, ибодат, ихлос, ҳидоят ва яхши хулқ каби тенгсиз неъматлар ато қилиб қўйган. Неъматларнинг энг олийи охират саодати ва Парвардигор висолидир.

Аслида яратилган ҳар бир нарса неъматдир. Улардан одам ўз тушунчаси ва лаёқати-га кўра фойдаланади. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»ида бундай гўзал байтлар бор:

*Арилар ҳам турфадирким, ҳар маҳал,
Биттаси захру бири йиққай асал.
Икки оху бир гиёҳ ер, сарҳисоб:
Биттасидин гўнг, биридан мушку ноб.
Ул қамишлар бир ариқдин сув ичар,
Биттаси бўм-бўш, бирида қанд, шакар.
Боқки, ўхшаиш жону жонзот қанчалар,
Ўртада фарқу тафовут қанчалар.
Ул еса, ундан палид бўлгай жудо,
Бул еса, келгай нуқул нури Худо.*

Мавлоно ёзганларидай, баъзилар бу неъматларни Аллоҳ розилиги, охират тадориғи учун сарфлайди, қанча одам эса уларни ярамас ишлар йўлида қурбон қилади. Кимдир неъмат туфайли савобга эришади, шукр қилиб, уларнинг ҳаққини адо қилади. Бошқа биров эса, унга ношукрлик билан неъматнинг заволига учрайди.

Аллоҳ таоло чексиз неъматлари эвазига биздан фақат бир нарсани — Ўзига итоат қилишимизни, неъматларига шукр қилишимизни талаб этади, холос.

«Аллоҳ таолонинг неъматларини санамоқчи бўлсаларинг, уларни ҳисоблай олмайсиз-

лар» (Иброҳим, 34, Наҳл, 17); **«Албатта, Биз шукр этувчиларни мукофотлаймиз»** (Оли-Имрон, 145); **«Агар сизлар шукр этсаларинг ва имон келтирсаларинг, Аллоҳ сизларни ҳаргиз азобламас»** (Нисо, 146); **«Чиндан ҳам шукр этсаларинг, албатта, Мен сизларга зиёда этурман»** (Иброҳим, 7).

Ривоят этилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечаси кўп нафл намоз ўқидилар, ҳатто муборак оёқлари шишди. Ойиша (розийаллоҳу анҳо): «Ахир Аллоҳ таоло сизнинг аввалги ва охири гуноҳларингизни кечирмаганми?» дедилар. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Шукр этувчи банда бўлмаинми?» деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти. Ибн Ҳиббон саҳиҳ деган).

Ҳасан Басрий айтиди: «Одам боласи бир куни ўтса, бу ҳақда фикр қилсин: агар бугунги куни яхшилик келтирган бўлса, бунга муваффақ қилгани учун Аллоҳга шукр қилсин, агар бунинг акси бўлса, тавба қилсин, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бартараф этишга азму қарор айлсин. Зеро, яхшиликлар ёмонликларни ювиб кетказади.

У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳ таолога шукроналар айтсин! Қолган умрида камчиликларни тўлдириши мумкин бўлади».

(Давоми 6-бетда)



ЯХШИЛИК МЕВАСИ

Ўзгаларга яхшилик қилиш мўминнинг мўминлик хислати, Аллоҳ розилигини топишининг осон йўлидир. Яхшилик қилганларни Аллоҳ таоло мукофотлайди. Унинг ваъдасига кўра яхшилик қилувчи мўминлар жаннат неъматларидадирлар. Аллоҳ таоло айтади: «**Тақволи зотларга: “Раббингиз (Ўз пайғамбарига) нимани нозил қилди?” дейилганида улар: “Яхшиликни”, дейишади. Бу дунёда яхшилик қилганлар учун чиройли мукофот бўлур» (Наҳл, 30).**

Яхшиликнинг катта-кичиги, ози-кўпи бўлмайди. Одамларга озор етказмаслик ҳам яхшилик, етим-мискинларни тўйдириш ҳам яхшилик, бировга чиройли муомала қилиш ҳам яхшилик, йўлдаги халал берувчи нарсани олиб ташлаш ҳам яхшилик. Абу Зарр Фифорийдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам менга: “Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин, агар у биродарингга очик юз билан қараш бўлса ҳам”, дедилар» (*Имом Муслим*). Фахри коинот яна бундай марҳамат қилганлар: “Эй муслималар, бир аёл бошқасига кўйнинг оёқчасини беришдаги яхшиликни ҳам паст санамасин” (*Имом Бухорий ва Муслим*). Яна бир ҳадиси шарифда “Ҳар бир яхшилик садақадир”, дейилган (*Имом Бухорий*).

Донишмандлардан бири айтади: Яхшилик кенг феълли, яхши ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳга ибодатда бошқаларга ўрнак бўлишдир”. Муҳаммад Зеҳний айтади: “Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни, очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир”.

Яхшилик ва ҳилм дарахтини эккан омонлик ва хотиржамлик мевасини териб олади. Ёвузлик уругини сепган пушаймонлик ҳосилини йиғиб олади. Ким қилган яхшилиги ёки амали билан мақтанса, савобидан маҳрум бўлади.

Ҳусайн Воиз Кошифий айтади: “Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўнтадир ва буларнинг биринчиси бошқаларга яхшилик қилишдир”. Саъдий Шерозий ёзади: “Бир шам бошқа бир шамни ёққани билан нуридан ҳеч нарса камаймайди”. Абдуллох ибн Аббос бундай деганлар: “Яхшилик ҳақида ўйлаш ўша яхшиликни қилишга ундайди, ёмонликка надомат эса ўша ёмонликни тарк этишга чақиради”.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллох МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Неъматилла ИБРОҲИМОВ
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи
терди.

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 12 декабрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2008 йил 15 декабрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 24500 нусха. 222-сон
буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали
юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Яхшиликка чақириш	
Аҳмад МУҲАММАД	
Неъматга шукр	1
ЎМИ ҳаёти	
Пўлатхон КАТТАЕВ	
Жаҳон бўйлаб ҳилпираган байроғимиз	7
Саҳобалар ҳаёти	
Холид МУҲАММАД ХОЛИД	
Абу Мусо Ашъарий	10
Ибрат	
Дилфуза МАМАСОБИТОВА	
Тетиклик сири	11
Қуръонни ўрганамиз	
Али ибн АҲМАД ВОҲИДИЙ	
Оятларнинг тушиш сабаблари	12
Маълумотхона	
Маккадаги ўзгаришлар	14
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Финландия Республикаси	16
Ҳаж хотиралари	
Абдулфаттоҳ ҳожи ТҶХТАБОЕВ	
Кўнглим нурга тўлди	17
Мулоҳаза	
Ашурали ЖҶРАЕВ	
Инсонийлик юки	23
Шеърят	
Ризо ТАВФИҚ	
Ғариблар шоми	24
Абдунаби БОЙҚҶЗИЕВ	
Яшил дарахт	25
Дилором ЭРҒАШЕВА	
Сени дўст тутдим, сабр	25
Мовароуроннахр уламолари	
Сайфиддин ЖАЛИЛОВ	
Саййид Мубашширхон Тарозий	26
Насихат	
Олимжон САҲОБОВ	
Кимни кўрсанг, Хизр бил	27
Аёллар саҳифаси	
Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН	
Фазилатли аёл	28
РАЙҶОНА	
Ҳаётдан завқланиб улғайсин	29
Мактубларда манзаралар	
ҲАБИБУЛЛОҶ	
Онамнинг дуоси	30
Самариддин ШУКРУЛЛО	
Охирги тилак.....	30
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги	
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН	
Зайниддин Восифий	31

Тафсири

ЮСУФ СУРАСИ

5

Яқуб (алайҳиссалом) олдин бўлиб ўтган воқеалар хотирларида жонланиб, фарзандларига бундай дедилар: “Сизларга хўп дейишга ҳайронман: Уни сизларга ишониб топширсам, яна Юсуфни ишониб топширганимда тушган ҳолга тушмасмиканман. Ўғлимни ҳимоя қилишга Аллоҳ таоло кифоядир. Мен фақат Унга ишонман. Сақлагувчи Удир. Унинг раҳмати кенг. У меҳрибонларнинг меҳрибонидир”.

Мерос

Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ

ҲИДОЯ

Таяммум боби

8

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Таяммум икки марта уришдир. Бир уриш юз учун ва бир уриш икки қўл учундир», деганлар.

Мужда

Муҳаммад ибн Иброҳим ТУВАЙЖИРИЙ

ЖАННАТ ВАСФИ

Аллоҳ таоло айтади:

“Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (бўйи)да, кўплаб мева (узрак)ки, (улар) туганмас ва ман этилмасдир” (Воқеа, 29-33).

18

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

“Хато қилганини” тан олди

Оқ уйни тарк этаётган Жорж Буш: “Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаш қарори кўп жиҳатдан махфий хизмат маълумотларига асоланган эди. Аммо кейинчалик бу маълумотлар ёлғон бўлиб чиқди”, дея “хато қилганини” тан олди.

20

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَجَاءَ إِخْوَةَ يُوسُفَ فَدَخَلُوا عَلَيْهِ فَعَرَفَهُمْ وَهُمْ لَهُ مُنْكَرُونَ ﴿٥٨﴾ وَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَّازِهِمْ
 قَالَ أَتُّونِي بِأَخٍ لَكُمْ مِّنْ أَيْكُمُ الْعَالَمِينَ ﴿٥٩﴾ وَأَنَا خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ ﴿٦٠﴾ فَإِن لَّمْ
 تَأْتُونِي بِهِ فَلَا كَيْلَ لَكُمْ عِندِي وَلَا تَقْرَبُونِ ﴿٦١﴾ قَالُوا سُرُودٌ عَنْهُ أَبَاهُ وَإِنَّا لَفَاعِلُونَ ﴿٦٢﴾
 وَقَالَ لِفِتْيَانِهِ اجْعَلُوا بِضْعَتَهُمْ فِي رِحَالِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَعْرِفُونَهَا إِذَا أُنْقِلَبُوا إِلَىٰ أَهْلِهِمْ لَعَلَّهُمْ يَرْ
 جِعُونَ ﴿٦٣﴾ فَلَمَّا رَجِعُوا إِلَىٰ أَبِيهِمْ قَالُوا يَا أَبَانَا مُنِعَ مِنَّا الْكَيْلُ فَأَرْسِلْ مَعَنَا آخَانَ نَكْتَلْ
 وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿٦٤﴾ قَالَ هَلْ ءَامَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَا ءَامَنُتُمْ عَلَىٰ أَخِيهِ مِن قَبْلُ فَاللَّهُ خَيْرٌ
 حَافِظًا وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّحِيمِينَ ﴿٦٥﴾ وَلَمَّا فَتَحُوا مَتْعَهُمْ وَجَدُوا بِضْعَتَهُمْ رُدَّتْ إِلَيْهِمْ قَالُوا
 يَا أَبَانَا مَا نَبْغِي هَذِهِ بِضْعَتُنَا رُدَّتْ إِلَيْنَا وَنَمِيرُ أَهْلَنَا وَحَفِظْ أَخَانًا وَزَدَّادُ كَيْلٍ بَعِيرٌ ذَلِكَ
 كَيْلٌ يُسِيرُ ﴿٦٦﴾ قَالَ لَن أُرْسِلَهُ مَعَكُمْ حَتَّىٰ تُؤْتُونِ مَوْثِقًا مِّنَ اللَّهِ لَتَأْتُنَّنِي بِهِ إِلَّا أَن تُحَاطَ
 بِكُمْ فَلَمَّا ءَاتَوْهُ مَوْثِقَهُمْ قَالَ اللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٦٧﴾

ЮСУФ СУРАСИ*

58. Юсуфнинг ака-укалари келишди ва унинг хузурига киришди. Уларни таниди. Улар уни танишмади.

59. Уларга керакли нарсани тайёр қилгач, деди: «Ота бир укангизни хузурига олиб келинглар. Донни тўла берганимни, меҳмоннавозларнинг яхшиси эканимни кўрдиларинг.

60. Агар уни хузурига олиб келмасаларинг, даргоҳимда сизларга дон йўк, менинг олдимга яқинлашманглар».

61. Улар дейишди: «Отасидан уни астойдил сўраймиз. Албатта, бизлар уддалаймиз».

62. Хизматчиларига деди: «Улар келтирган молларини юкларининг ичига солиб қўйинглар. Уйларига қайтганларидан, уни танишса, яна қайтиб келишар».

63. Улар оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: «Ота, бизларга дон

берилмайдиган бўлди. Энди укамизни биз билан бирга юборсангизгина, дон ололамиз. Биз уни албатта муҳофаза қиламиз».

64. У деди: «Олдин унинг акасини сизларга ишониб топширган каби уни сизларга ишониб топширайинми? Аллоҳ яхши сақлагувчидир ва У меҳрибонларнинг меҳрибонидир».

65. Юкларини очишганида моллари ўзларига қайтарилганини кўришди. Улар дейишди: «Ота! Нима иштаймиз? Бу молимиз ўзимизга қайтарилибди. Оиламизга дон келтирамиз, укамизни муҳофаза қиламиз ва бир туя дон қўшимча оламиз. Бу оз дондир».

66. У деди: «Агар ҳалокатга учрамангиз, албатта уни менга олиб келишингиз ҳақида Аллоҳга қасам ичмасангиз, уни асло сизлар билан юбормайман». Унга ахдларини беришгач, у деди: «Бу гапларимизга Аллоҳ гувоҳдир».

*Давоми. Бошланғичи ўтган сонларда.

Тафсири ва баёни

Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари Канъон (Фаластин) еридан Миср ўлкасига буғдой сотиб олиш учун келишди. Чунки қахатчилик Шом ва Миср диёрларини қамраб олган, уларга Миср ҳокими одамларга донни ўз нархида бераётгани хабари етган эди.

Улар ҳузурига киришганида, Юсуф (алайҳиссалом) дарҳол акаларини танидилар. Лекин улар Юсуфни (алайҳиссалом) танишмади. Чунки катта ёшдагиларнинг қиёфалари кўпи ўзгармайди. Ёшликдаги қиёфа катта бўлганда жуда ўзгариб кетади. Улар Юсуфдан (алайҳиссалом) у жуда ёш бўлганида ажрашган, уни йўловчиларга сотиб юборишган эди. Шунинг учун уни вафот этиб кетган деб ўйлашар ва унутиб юборишган эди. Орадан анча йиллар ўтгани боис укалари тирик қолиб, бу даражага етишиши бирорталарининг хаёлига келмаган эди.

Суддий зикр қилишларича, Юсуф (алайҳиссалом) уларни танимагандай бўлиб, нима учун келишганини, қаердан эканликларини, яна ака-укалари бор-йўқлигини сўрашлари мазкур ҳолга қўшимча бўлди. Сўнг Юсуф (алайҳиссалом) аъёнларига, уларни иззатлаб меҳмон қилинлар, деб фармон бердилар. Уларга керакли нарсани тайёр қилгач: «Келгуси сафар келишларингда оталаринг билан бирга қолган укангизни олиб келинлар. Донни ҳар бирларингга тўла берганимни, сизларни яхши кутганимни кўрдиларинг. Агар укаларингни олиб келмасаларинг, даргоҳимда сизларга дон йўқ, қайта ҳузуримга келманглар», дедилар. Улар: «Отасидан уни астойдил сўраб кўрамиз. Албатта, бизлар уддалаймиз», дейишди. Яъни, бор маҳоратимизни ишга солиб, отамиздан уни сўраймиз. Сизни ишонтириб айтаемизки, уни сизнинг ҳузурингизга олиб келишга қатъий ҳаракат қиламиз.

Улар юртларига қайтмоқчи бўлишганида, Юсуф (алайҳиссалом) хизматчиларига: «Дон айирбошлаш учун келтирган молларини қайтариб юқларининг ичига билдирмай солиб қўйинлар. Уйларига қайтиб боришганида уни кўришса, дон олиш учун яна қайтиб келишар», дедилар.

Улар оталари Яқуб (алайҳиссалом) ҳузурларига қайтишгач, Миср ҳукмдори билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбатни, ўзларига кўрса-

тилган меҳмоннавозлик ва ҳурматни, эндиги сафар укалари Биньяминни Мисрга олиб боришмаса, ҳукмдор дон бермаслигини, агар уни олиб боришса, ҳаммаларига дон бериб иззат-ҳурмат кўрсатишини айтганини сўзлаб беришди. Ва «Укамизни бизга қўшиб юборинг, уни юборсангиз, муҳтож бўлганимиз донни тўла оламиз, укамизни эҳтиётлаймиз, деб сизга ваъда берамиз», дейишди. Яқуб (алайҳиссалом) олдин бўлиб ўтган воқеалар хотирларида жонланиб, фарзандларига бундай дедилар: «Сизларга хўп дейишга ҳайронман: Уни сизларга ишониб топширсам, яна Юсуфни ишониб топширганимда тушган ҳолга тушмасмиканман. Ўғлимни ҳимоя қилишга Аллоҳ тало кифоядир. Мен фақат Унга ишонаман. Сақлагувчи Удир. Унинг раҳмати кенг. У меҳрибонларнинг меҳрибонидир».

Юсуфнинг (алайҳиссалом) ака-укалари Мисрга юборган моллари юқлари ичига солиб қўйилганини билишмасди. Келтирган юқларини очишганида уларни ҳам кўришди. Бундан фойдаланиб оталарининг кўнглини хотиржам қилишга, укаларини ўзлари билан қўшиб жўнатишга кўндиришга тиришишди ва бундай дейишди: «Ота, бундан ортиқ яна қандай яхшилик истайсиз! Олиб борган молимиздан бирон нарса камайтирмай ўзимизга қайтарилган бўлса. Укамизни ҳам олиб борайлик. Уни эҳтиётлаймиз. Оиламизга дон келтираемиз. Яна бир туя дон кўп олиб келамиз. Миср волийи ҳар бир киши учун бир туя дон беришини белгилаб қўйган! Бу дон волий учун арзимас нарса».

Уларнинг бу гаплари Яқубга (алайҳиссалом) таъсир қилди. Кичик ўғилларини (Биньяминни) олиб қолиш ҳақидаги фикрлари юмшади. Лекин қалблари яна ҳам таскин топиши учун фарзандларига бундай дедилар: «Агар ҳалокат юз бермаса, албатта уни менга олиб келишларинг ҳақида ишончли қафолат берсаларинггина — Аллоҳ номи билан қасам ичсаларинггина, уни сизлар билан юбораман».

Фарзандлари у истаган қафолатни беришгач, «Ваъда ва қасамларингга Аллоҳ тало гувоҳдир», дедилар.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН,
Анвар АҲМАД
тайёрлашди.

НЕЪМАТГА ШУКР

(Бошланиши 1-бетда)

Неъматга шукр қилинмаса, у албатта заволга учрайди, йўқолади. Фузайл (розийаллоху анху) айтган: «Сизларга неъматлар учун доимо шукр айтмоғингиз вожибдир. Қавмдан кетган бир неъматнинг яна қайтиб келиши жуда мушкул».

Аллоҳнинг неъматларига шукр қилиш қалб, тил ва бошқа аъзолар билан бўлади: қалб билан бўладиган шукр яхшиликни қасд этиш ва бунинг барчага бўлишини исташдир. Тил билан бўладиган шукр Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, шукрона изҳор этишдир. Аъзолар билан бўладиган шукр уларни тоатибодат йўлида ишлатиш ва гуноҳга ишлатишдан сақланишдир.

Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аллоҳ таолонинг неъматлари ҳақида сўзлаш шукрдир, неъмат шукрини гапирмаслик куфрдир» (Имом Аҳмад ибн Ханбал).

Тана ва аъзоларимизнинг мукамал яратилгани, ҳар бир аъзоимизнинг кам-кўстсиз ишлаётгани, ақл-идрок, ҳис-туйғулар ато этилгани учун Аллоҳ таолога ҳамиша шукр айтишга, мақтов ва ҳамдлар йўллашга буюрилганмиз. Бир тасаввур қилинг: кўзимиз бўлмаса, биз бу ёруғ оламнинг гўзалликларини кўра олармидик? Тун ва кунни фарқлай олармидик?

Ёки бурун ишламай қолса, автомобил ўтхонасидан чиққан бадбўй ис билан мушк-анбарнинг хушбўй ҳидини фарқлай олармидик?


Инсоннинг дам олмай, чарчашдан «нолимай», ўз вазифасини сабот ва содиқлик

билан бажарадиган ички аъзоларининг ишлашига не дейсиз?! Кечаю кундуз тўхтамай, бутун тана аъзоларига тинмай иссиқ қон ҳайдаб турувчи юракни ким шундай яратган? Еган овқатларимизнинг керакли, фойдали қисмини танага сингдириб, ортиқчасини чиқариб ташлайдиган ошқозон-ичакларимизни ким бошқариб туради? Ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган ўпка, жигар, буйрак каби тана аъзоларимиз қайси қонунларга бўйсуниб, бу қадар итоаткорлик билан фаолият кўрсатади? Қолаверса, инсон дегани фақат моддий тана аъзоларидан иборат эмас-ку! Ундаги руҳ ва ақлнинг сир-синоатини инсоният ҳали англаб етгани йўқ ва бунга қодир ҳам эмас! Инсондаги руҳий олам, ҳис-туйғулар, фикрлаш, хаёл суриш, туш кўриш имконияти наҳотки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган бўлса ёки тарбия жараёнида ўргатилган бўлса? Бу ноёб хислатлар Аллоҳнинг инсонларга ато этиб қўйган ноёб неъматлари эмасми?

Шукрнинг маъноси Аллоҳ берган неъматларни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган жойларга ишлатишдир. Баъзилар жаҳолат ва ғафлатда бўлганидан неъмат шукрини айтишдан узоқда, унинг қадри, ҳикматини билишдан маҳрумдир.

Шукр ва сабр ҳамиша ёнма-ён. Аллоҳнинг синовларига сабр қилиш шукрнинг энг яхши кўринишларидандир.

Аҳмад МУҲАММАД






Мустақиллигимиз рамзларидан бири

18 ноябр куни мустақиллигимиз рамзларидан бири Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасдиқланганининг ўн етти йиллиги муносабати билан диний ўқув юртларида тадбирлар бўлиб ўтди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида

билим юртида ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Мақсуд Шайхзода туғилганининг юз йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Кечада шоирнинг «Мирзо Улуғбек», «Жалолиддин Мангуберди» каби тарихий асарлари ҳақида сўз юритилди. Талабалар шоирнингэнг яхши шеърларини ўқиб беришди.



ЖАҲОН БЎЙЛАБ ҲИЛПИРАГАН БАЙРОҒИМИЗ

ўтган кечада Ўзбекистон қахрамони Абдулла Орипов ва шоир Турсун Али иштирок этишди, шеърлар ўқиб беришди. Амир Темури даврида жаҳон бўйлаб ҳилпираган байроғимиз мустақиллик йиллари яна шарафини тиклагани таъкидланди.

* * *

Намангандаги Мулла Қирғиз билим юртида маънавият асослари фани ўқитувчиси Муҳаммадхон Бадриддинов байроғимизнинг қабул қилиниши ҳақида, Китоб шаҳридаги Хожа Бухорий билим юртида ўтган тадбирда мударрис Фармонқул Расулов байроқда тасвирланган ранглар, ҳилол ва ўн икки юлдуз қандай маънолар англатишини шарҳлаб беришди.

Мақсуд Шайхзодани эслаб

Ноябр ойининг олтинчи куни Хожа Бухорий Ислом

Совғалар улашилди

19 ноябр куни Хадичаи Кубро аёл-қизлар Ислом билим юрти мударриса ва талабаларидан бир гуруҳи пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 2-ақли заиф болалар уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олишди. Уларга ўзларининг камтарона совға-саломларини улашишди.

«Маснавийи маънавий» таржимони етмишга кирди

24 ноябр куни Бухоро Давлат университетида Ўзбекистон халқ шоири, олим, Фаридуддин Атторнинг «Мантукут тайр» «Илоҳийнома», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарлари, Улиям Шекспирнинг машхур фожиалари моҳир таржимони Жамол Камолнинг етмиш ёшни қаршилагани муносабати билан адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Унда Мир Араб

мадрасасининг бир гуруҳ мударрис ва талабалари ҳам иштирок этишди. Кечада сўзга чиққан олим ва ижодкорлар шоирнинг гўзал шеърляти ва дунё адабиёти дурдона асарларидан тилимизга таржималари ҳақида гапиришди.

Салбий таъсирдан огоҳлантириш

21 ноябр куни Наманган Давлат университетида «Ноисломий конфессияларнинг ёшларга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш» мавзуида йиғилиш бўлди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилояти бўйича вакили Абдулхай Турсунов сўзга чиқиб, бу таъсирнинг зарарли оқибатидан талабаларни огоҳлантирди.

Пўлатхон КАТТЕВ,
ЎМИ Таълим ва кадрлар
тайёрлаш бўлими ходими

ҲИДОЯ

Таяммум боби

«Мусофир ёки шаҳардан ташқарида ўзи билан шаҳар ораси бир мил¹ ёки кўпроқ масофада бўлган киши сув топа олмаса, тоза ер юзига таяммум² қилади». Чунки Аллоҳ таоло:

«Агар сув топа олмасаларинг, тоза ер юзига таяммум қилинглр»³ деб марҳамат қилган

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам: «Тупроқ мусулмонга, агар ўн йилгача ҳам сув топа олмаса, тозаловчи (тахур)дир», деганлар.

«Агар сув тополса, аммо касал бўлиб, сувни ишлатганида касали кучайишидан қўрқса, таяммум қилади».

Ҳаракат қилишдан касали кучайиб кетадими ё сувни ишлатишдан кучаядими — фарқи йўқ⁴. «Агар жунуб киши ғул сабабли совуқдан ўлишидан ёки касал бўлишидан қўрқса, тоза ер юзига таяммум қилади».

Бу ҳукм, юқорида айтганимиздек, у киши шаҳардан ташқарида бўлган ҳолдадир. Агар у киши шаҳарда бўлса: Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) наздларида, таяммум қилиши мумкин бўлади, Имом Муҳаммад билан Абу Юсуф (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида эса, таяммум қилиши мумкин эмас.

«Таяммум икки марта уришдир⁵: бири билан юзини, иккинчиси билан икки қўлини, тирсақлари билан қўшиб, сийпайди».

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Таяммум икки марта уришдир. Бир уриш юз учун ва бир уриш икки қўл учундир», деганлар. Афти ўзгармаслиги учун қўллари тупроқ тўкилгунича силкитади. Зоҳир ривоятда⁶ таяммум таҳоратнинг ўрнида бўлгани сабабли юз ва қўллари тўла масҳ қилиш шарт. Шу боис баъзи уламолар, масҳ тўла бўлиши учун узук ечилади ва бармоқлар орасига ҳилол қилинади, дейишган.

«Таҳоратсизлик ва жунублик таяммумда тенгдир»⁷.

Ҳайз ва нифос ҳам шулар кабидир. Асос бу ҳадис: бир гуруҳ Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳузурларига келиб: «Биз бу қумликларда яшаймиз, бир-икки ойлаб сув топа олмаймиз. Орамизда жунуб бўлганлар, ҳайз ва нифосдаги аёллар бўлади», дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ерларингдан фойдаланинглр», дедилар.

«Абу Ҳанифа билан Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида, ер жинсидан бўлган ҳамма нарсага —

тупроқ, қум, тош, оҳақ, сурма, маргимуш кабиларга таяммум қилиш мумкин. Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ): «Фақат тупроқ ва қумга таяммум қилиш мумкин», деганлар».

Ер юзасида чанг бўлиши, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) наздларида, шарт эмас. Шунингдек, Абу Ҳанифа билан Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида, ер юзасига таяммум қилишга қодир бўлатуриб чангга таяммум қилиш жоиз». Чунки чанг майин тупроқдир.

«Таяммумда ният фарз».

«Кейин киши таҳоратни ёки намоз адо этиши жоиз бўлишини ният қилса, кифоя. Таяммум ниятини таҳоратсизлиги ёки жунублиги учун қилиш шарт эмас»⁸.

«Таҳоратни бузадиган ҳар бир нарса таяммумни бузади».

Чунки таяммум таҳоратнинг ўрнигадир, шунинг учун таҳоратнинг ҳукмини олган. Ва яна сувни кўриш, агар уни ишлатишга қодир бўлса, таяммумни бузади». Чунки сувни ишлатишга қодир бўлиш уни топишдан кўзланган мақсаддир. Бу эса тупроқнинг тозаловчилиги (тахурлиги) чегарасидир. Йиртқич ҳайвонлардан, душмандан, чанқаб қолиш-

дан қўрққан киши сувни ишлатишга ҳукман қодир ҳисобланмайди.

Уйқудаги киши, Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздларида, ҳукман қодирдир⁹. Таяммуми бор уйқудаги киши сув олдидан ўтса, Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздларида, таяммуми бузилади. Бу ўринда таҳоратга етарли сув кўзда тугилган. Чунки бундан кам сув бошида ҳам, охирида ҳам эътиборга олинмайди.

«Суви йўқ, аммо сув топилишидан умидвор киши намозни охирги вақтигача кечиктириши мустаҳаб. Агар сувни топса, таҳорат қилади, тополмаса, таяммум қилиб намозини ўқийди».

«Киши бир таяммуми билан хоҳлаганича фарз ва нафл намозларни ўқиши мумкин».

«Шаҳарда жаноза ҳозир бўлганида, жаноза эгаси бўлмаган соғлом киши таҳорат қилайин деса, жаноза намози ўтиб кетишидан қўрқса, таяммум қилади».

Чунки жаноза намози қазо қилиб ўқилмайди. Шунинг учун ожизлик аниқ бўлади.

«Шунингдек, ҳайит намозига келган киши, таҳорат қилса, намоз ўтиб кетишидан қўрқса, таяммум қилади».

Чунки ҳайит намози қайта ўқилмайди.

«Ҳайит намозидан имом ёки унга иқтидо қилган кишининг таҳорати бузилса, Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздларида: “Таяммум қилади ва

намознинг қолган қисмини давом эттиради».

«Жума намозига, агар таҳорат қилгудек бўлса, жума намози ўтиб кетишидан қўрқса ҳам, таяммум қилмайди. Улгурса, жумани ўқийди, улгурмаса, пешин намозининг тўрт ракат фарзини ўқийди».


Чунки, ҳайит намозидан фарқли равишда, жума намози ўтса, ўрнига пешин намози қолади.

«Шунингдек, таҳорат қилгудек бўлса, намознинг вақти ўтиб кетишидан қўрқса ҳам, таяммум қилмайди, таҳорат қилади ва вақти ўтган намознинг қазосини ўқийди».

Чунки намознинг вақти ўтса, ўрнига қазоси бор.

«Таяммум қилмоқчи бўлган кишига, агар ўзига яқин жойда сув борлигига ишончи комил бўлмаса, сув излаш вожиб бўлмайди».

«Агар ўзига яқин жойда сув бор деб ўйласа, сувни излаб кўрмагунича таяммум қилиши мумкин эмас».



«Агар ҳамроҳида сув бўлса, таяммум қилишидан аввал, ундан сув сўрайди».

Чунки сув кўпинча қизганилмайди, агар унга сув бермаса, ожизлиги аниқ бўлгани учун, таяммум қилади.

«Агар ҳамроҳидан сув сўрашдан олдин таяммум қилса, Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздларида, таяммуми дуруст бўлади».

«Агар ҳамроҳи сувни фақат ўша жойдаги нархга берса, унда сувга етадиган пул бўлса, таяммум қилиши дуруст бўлмайди».

Чунки сувга қодирлиги аниқ. Ўша жойдаги нархдан ошиқ нархга сувни сотиб олиши лозим эмас, чунки зарар таҳоратни соқит қилади. Валлоҳу аълам.

¹ 3500 зироб, тахминан 2 км.га тенг.

² Тоza ер юзи чанги билан, қасд (ният) қилиб, юз ва икки қўлни сийпаш.

³ Нисо сураси 43-оят.

⁴ Сув ёқмаса ҳам ёки ҳаракат қилиш мумкин бўлмаса ҳам, таяммум қилиш мумкин.

⁵ Қўлларни тоза ер юзига уриш. Чанг бармоқлар орасига кириши учун матнда “уриш” сўзи қўлланган. Аслида қўлларни тоза ер юзига қўйиб ҳам таяммум қилиш мумкин.

⁶ Ишончли кишилар қилган ривоятда. Имом Муҳаммаднинг (раҳимахуллоҳ) олти китоби — “Мабсут”, “Зиёdot”, “Жомиус сағир”, “Жомиул кабир”, “Сиярус сағир”, “Сиярул кабир” зоҳир ривоят китоблари дейилади.

⁷ Яъни, таҳорат синганида ё жунуб бўлганида шартлари топилса, таяммум жоиздир.

⁸ “Таҳоратим йўқлиги учун” ё “Жунуб бўлганим учун таяммум қиламан”, дейиш шарт эмас.

⁹ Сувни ишлатишга.

Ҳолид МУҲАММАД ҲОЛИД

АБУ МУСО АШЪАРИЙ

“Абу Мусо Ашъарий” лақабли Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Салим Маккада Аллоҳнинг элчиси одамларни яккахудоликка чақираётганини, чиройли хулққа буюраётганини эшитиши биланоқ она ватани Яманни тарк этиб, Маккага келди. Маккада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида Исломни қабул қилди. Сўнгра ўз юртига Аллоҳ каломини етказиш учун жўнаб кетди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳайбар фатҳидан қайтиб келишлари билан яна ортига қайтди.

Унинг Мадинага келиши Жаъфар ибн Абу Толибнинг шериклари билан Ҳабашистон еридан қайтишига тўғри келди.

Бу сафар эса Абу Мусо ёлғиз ўзи келмаган эди. У билан бирга Исломни қабул қилиш учун Ямандан элликдан зиёд киши келди. Улар ичида икки туғишган акаси — Абу Руҳм билан Абу Бурда ҳам бор эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нафақат ушбу жамоани, балки барча яманликларни “Ашъарийлар” деб номладилар ва: “Улар одамларнинг энг қалби юмшоғи”, деб сифатладилар.

Кўп ҳолларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни бошқаларга ибрат қилар эдилар: “Ашъарийлар оилаларининг таомлари камайиб қолса, барчалари ўзларидаги бор нарсани бир жойга тўплашади, сўнгра уни бир идиш билан ўзаро тенг тақсимлашади. Улар мандандир, мен ҳам уларданман!..”

Шу тариқа Абу Мусо Ашъарий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобийлари орасида алоҳида обрўга эга бўлди.

Абу Мусо Аншъарийда улуг сифатлар ажойиб тарзда уйғунлашганини кўрамиз. У жасур одам, матонатли курашчи, айна пайтда покиза фитрат эгаси, буюк гоя учун Аллоҳ йўлида холис хизматчи, фақиҳ, мулоҳазали инсон эди. Унинг тўғри фикрли экани кейинчалик мушкул ишларда қўл келди ва фатво беришида ёрқин намоён бўлди. Ҳатто бир ривоятда: “Бу умматнинг қозилари тўртта — Умар, Али, Абу Мусо ва Зайд ибн Собитдир”, деб айтилган.



Агар унинг ҳаётидаги воқеликдан шиор танлаш керак бўлса, мана бу иборани танласа бўларди: “Ихлос барча солиҳ амалларнинг бошланишидир!”.

Абу Мусодан ривоят қилинишича, уни Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) Муоз билан бирга Яманга юбориб, одамларга Куръон ўргатишни буюрганлар (*Имом Аҳмад ривояти*).

Дарҳақиқат, Абу Мусодан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда бундай келади: «Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Абу Мусо! Қироатингни тонгда эшитаётганимни бир кўрсанг эди. Дарҳақиқат сенга Довудга берилган овоз ато қилингандир”, дедилар. Шунда Абу Мусо: “Аллоҳнинг элчиси (алайҳиссалом), агар қироатимни эшитаётганингизни билганимда, сиз учун уни янада гўзалроқ қилган бўлардим”, деди».

Абу Салама айтади: “Умар ибн Хаттоб Абу Мусога: “Бизларга Раббимизни эслатгин”, дерди. Шундан сўнг Абу Мусо қироат қиларди”.

Абу Усмон Нахдий айтади: “Абу Мусо Ашъарий биз билан бомдод намозини ўқиди. Мен ҳеч қачон ундан кўра жарангдор ва хушовоз кишини кўрмадим”.

Абу Кабша Садусий айтади: “Абу Мусо Ашъарий бизларга хутба ўқиб, бундай деди: “Албатта, солиҳ билан бирга ўтириш ёлғиз ўтиргандан яхшироқдир. Ёлғиз ўтириш ёмон билан бирга ўтиришдан яхшироқдир. Солиҳ билан бирга ўтиришнинг мисоли худди аттор кишига ўхшайдикки, ҳеч бўлмаганда таратадиган хидидан баҳраманд бўласан. Беқарор, субутсиз қалб ёмондир, Албатта, қалбнинг мисоли худди осмонда учиб юрган пат кабики, уни шамол учириб ўйнатади. Огоҳ бўлинглар, албатта, ортларингизда худди зулматли туннинг бир бўлаги каби фитналар бордир. Ўша пайтда киши мўмин ҳолида тонг оттириб, куфр келтирган ҳолида кунни кеч қилади. Яна ўша пайтда ўтирувчи тик турувчидан, тик турувчи эса юрувчидан ва юрувчи эса уловдагидан яхшироқ бўлади”.

Абу Мусо Ашъарий (розийаллоху анху) салкин кунларнинг бирида вафот этди. Аллоҳ таолонинг раҳматини ва унинг мағфиратини умид қилган киши ҳаётининг ёғдуси сўнди. Унинг тили охираат дунёсига кетаётган лаҳзаларида ҳар доимгидай қуйидаги калимани такрорлар эди: “Аллоҳим, Сен барча айб-нуқсонлардан поксан. Барча саломатлик ва раҳмат Сендандир”.

«Расулulloх атрофидаги одамлар» китобидан
Яҳё ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

Тетиклик сири

Бир юз икки ёшни қаршилаган Маматкарим ота насихатларини қишлоқдошлари жон қулоғи билан эшитишади. Отанинг шу ёшда ҳам тетиклигига, меҳнатсеварлигига ҳавас қилишади.

Отахоннинг уйда бўш ўтирганини кўрмайсиз. Намозларини масжидда адо этади. Уйлари-дан «Шўрқўрғон» жомеигача бир чақирим келади. Масжидга велосипедда қатнайди.

Ўтган йили неvara-чеваралари билан бир сўтих ерга ҳар хил кўчатлар ўтқазишган эди. Улардан хабар олади. Отахон ниҳолларни кўчириб экиш, парваришлаш, пайванд қилиш, шакл бериш, хомтоқ қилиш, узумни сақлаш сирларини невараларига эринмай ўргатади.

Отахоннинг хотираси тиниқ. Қариндошлари, неvara-чевараларининг ҳар бирини адашмай номини айтиб чақиради. Отахон ёз бўйи экинларни ўзи суғоради. Қиш олди эса бемалол хомтоқ қилади. Нарвонга чиқиб-тушишда ёрдамга эҳтиёж сезмайди.

Маматкарим ота ёшлигида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Олтмиш ёшга киргунича, қарийб қирқ йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Кейин ҳам ўзини қишлоқ аҳлидан четга олмади. Бир неча йил масжидга имомлик қилди.

Отахондан ёши юздан ошса ҳам тетик, бардам юришининг сирини сўрашади. «Бунинг сири йўқ. Имон, ихлос, ҳаракат туфайли шу кунларга етдим. Меҳнаткашликни севдириб кўп ёмонликлардан асраган Аллоҳ таолога ҳамд айтаман», дейди шукроналик билан отахон.

Дилфуза
МАМАСОБИТОВА,
Наманган тумани
Шўрқўрғон қишлоғи



ОЯТЛАРНИНГ ТУШИШ САБАБЛАРИ *

Оли Имрон сураси 18-оят. «Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — Ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи — ҳукм қилгувчидир. ҳеч қандай тангри йўқ, фақат унинг Ўзи бор. У Қудратли, ҳикмат Эгасидир».

айта олсангиз, сизга имон келтириб, тасдиқлаймиз», дейишди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): «Сўрайверинглар», деганларидан сўнг улар: «Аллоҳнинг Китобидаги энг улуғ гувоҳлик ҳақида бизга хабар беринг», дейишди. Шунда мазкур оят тушди. Улар Ислomни қабул қилиб, Расулulloҳни (соллalloҳу алайҳи ва саллам) тасдиқлашди».

23-оят.» (Эй Муҳаммад,) Китобдан (Тавротдан) насибадор бўлган кимсалар ораларида ҳакамлик қилсин учун Аллоҳнинг китобида чақираётганларини, сўнгра улардан бир гуруҳи юз ўгирган ҳолларида бурилиб кетаётганларини кўрмадингизми?»

Уламолар бу оятнинг тушиш сабабида ихтилоф қилишган.

Суддий айтади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) яҳудийларни Ислomга чақирдилар. Шунда Нуъмон ибн Арфа: “Эй Муҳаммад, юр, роҳиблар олдига бориб ҳукм сўраймиз”, деди. У киши: “Йўқ Аллоҳнинг Китобида қараймиз”, дедилар. У эса: “Йўқ, роҳибларга борамиз”, деб туриб олди. Шунда мазкур оят тушди.

26-оят. «Айтинг: “Эй мулку давлат Эгаси бўлган Аллоҳим, Сен Ўзинг истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик Ёлғиз Сенинг измингдадир. Албатта Сен барча нарсага Қодирсан”».

Ибн Аббос ва Анас ибн Молик (розийalloҳу анҳумo) айтишади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Маккани фатҳ қилиб, умматларига Форс ва Рум мулкларини эгаллашни ваъда қилгач, мунофиқлар ва яҳудийлар: “Ҳайҳот, ҳайҳот Муҳаммад Рум ва Форс ерларини қандай ҳам фатҳ қила оларди. Улар кучли ҳимояланган, бақувват

Калбий айтади: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Мадинада турганларида олдиларига Шом роҳибларидан иккитаси келди. Улардан бири Мадинани кўргач, ҳамроҳига: “Бу шаҳар охирзамонда чиқадиган пайғамбарнинг шаҳрига жуда ҳам ўшар экан”, деди. Расулulloҳни (соллalloҳу алайҳи ва саллам) кўргач эса, у кишини белги ва сифатларидан танишди ва: “Сиз Муҳаммадмисиз?” деб сўрашди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа”, деб жавоб қилганларида улар яна: “Сиз Аҳмадмисиз?” деб сўрашди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) яна: “Ҳа”, дедилар. Улар: “Биз сиздан гувоҳлик ҳақида сўраймиз. Агар бизга

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

давлатлардир. Муҳаммадга Макка билан Мадина етмайдими, Рум ва Форс подшоҳлигини истаб қолибди!”, дейишди. Шунда мазкур оят тушди.

Қатода айтади: «Бизга зикр қилиндики, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Раббиларидан Форс ва Рум мулкларини умматлари эгаллашини сўрадилар. Шунда мазкур оят тушди.

Касир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Авф оталаридан, у киши оталаридан ривоят қилади: «Аҳзоб кунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хандақ бўйида хутба қилдилар ва ҳар ўн кишига қирқ зироъ хандақ қазирни бўлиб бердилар. Амр ибн Авф айтади: “Мен, Салмон, Ҳузайфа, Нумон ибн Миқрон ал-Музаний ва олти ансорий бирга қирқ зироъ хандақни қазирган эдик. Тўсатдан хандақ ичидан битта катта чақмоқ тош чиқди. У асбобларимизни синдирди. Бизга жуда оғирлик қилди. Биз: “Эй Салмон, бориб Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу хабарни айт, биз ё тошни четлаб ўтайлик, ёки бирор нарсага буюрсинлар. У кишининг кўрсатмаларисиз бирор иш қилолмаймиз”, дедик. Салмон Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига борганида у кишининг устиларида туркий қубба бор эди. У: “Эй Расулulloҳ, бир оқ тош чиқиб қолди. Бизга оғирлик қияпти, асбобларимизни синдирди. Ҳар қандай тадбир ҳам фойда бермаяпти. Бирор нарсага буюринг, кўрсатмангизсиз бирор иш қилолмаймиз”, деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Салмон билан хандаққа тушдилар. Қолган тўққиз киши хандақ устида қолди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Салмондан кавлагични олиб, тошни бир уриб ёрдилар. Ундан чақмоқ чиқиб, Мадинанинг икки томонини ёритиб юборди. Қоп-қоронгу уй ичида чироқ ёнгандек бўлди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) такбир айтдилар, мусулмонлар ҳам айтишди. Кейин Салмоннинг қўлини ушлаб хандақдан чиқдилар. Шунда Салмон: “Расулulloҳ! Шундай бир нарсани кўрдимки, у каби нарсани ҳеч қачон кўрмаганман”, деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қавмга қараб: “Салмон нима деганини эшитдиларингми?” деб сўрадилар. Улар: “Ҳа, Ал-

лоҳнинг пайғамбари”, дейишди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен биринчи зарбани урганимда чақмоқ чиққанини кўрдиларинг. Шунда менга Рум ерларидаги қизил қасрлар кўринди. Жаброил (алайҳиссалом) умматим уларни эгаллаши ҳақида хабар берди. Сўнг иккинчи зарбани урганимда сизлар кўрган чақмоқ чиқиб, менга Санъо қасрлари кўрсатилди. Жаброил (алайҳиссалом) менга умматим уларни эгаллаши ҳақида хабар берди. Сўнг учинчи зарбани урганимда, сизлар кўрган чақмоқ чиқиб, менга Ҳирот қасрлари ва Кисронинг шаҳарлари кўрсатилди. Жаброил (алайҳиссалом) яна менга умматим уларни эгаллаши ҳақида хабар берди. Хурсанд бўлинглар”, дедилар. Мусулмонлар хурсанд бўлишди ва: “Аллоҳга ҳамд бўлсин, унинг ваъдаси ростдир, бизга нусратини ваъда қилди”, дейишди. Мунофиқлар эса: “Ажабланмаяпсизларми? Сизларни умидлантириб, ёлғон ваъдалар беряпти. Сизларга у Ясрибдан туриб Ҳирот қасрларини, Кисронинг шаҳарларини кўрганини, улар сиз учун фатҳ қилишини айтяпти. Сизлар эса душманга юзмаюз келишдан кўрқиб, хандақ қазияпсизлар”, дейишди. Шунда: “Ўшанда мунофиқлар ва қалбларида касаллик бор кимсалар: “Аллоҳ ва Расули бизга ёлғон ваъдалар берди”, деб айтишган эди....” ояти тушди ва мазкур оят ҳам бўлди”.

28-оят. «(Барча иш – бутун мулк Ёлғиз Аллоҳнинг измида экан, демак) **мўминлар мўминларни қўйиб, куфрга кетганларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳ томонидан ҳеч нарсада эмас** (яъни, Аллоҳга бегонадир). **Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларинг** (жоиздир), **Аллоҳ сизларни Ўзининг** (азобидан) **огоҳ қилур. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксизлар».**

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: «Яҳудлардан Ҳажжож ибн Амр, Каҳмас ва Қайс ибн Зайдлар бир гуруҳ ансорлар билан сирдош дўст бўлиб олишган эди. Мақсадлари уларни диндан чиқариш эди. Рифоа ибн Мунзир, Абдуллоҳ ибн Жубайр ва Саид ибн Ҳайсам ўша ансорийларга: “Булардан йироқ юринглар. Уларнинг олдида кўп бориб, яқин дўст бўлиб олманглар. Улар сизларни динингиздан фитналантиради ва чалғитади”, дейишди. Улар

эса бош тортиб, яна яҳудлар билан учрашиб юришда давом этди. Шунда мазкур оят тушди».

Калбий айтади: “Бу оят мунофиқлар Абдуллоҳ ибн Убай ва ҳамроҳлари ҳақида тушган. Улар яҳуд ва мушрикларни дўст тутишар ва хабарларни уларга етказишар эди. Улар Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) енгишларини хоҳлашарди. Шунда оят тушиб, мўминлар уларнинг амалларидек иш қилишдан қайтарилди”.

31-оят. «Эй Муҳаммад,) айтинг: “Агар сизлар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. (Шунда) Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) Мағфират қилгувчи Меҳрибондир».


Ҳасан ва ибн Журайж айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида одамлар Аллоҳни яхши кўрамиз деб ўйлашарди. Ва: “Эй Муҳаммад, биз Раббимизни яхши кўрамиз”, дейишди. Шунда мазкур оят тушди».

Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Зубайр: «Бу оят Нажрон насоролари ҳақида тушган. Улар: «Биз Аллоҳни яхши кўриб, уни улуглаганимиздан Исо Масиҳга ибодат қиламиз», дейишарди. уларни рад қилиб, ушбу оят тушди», деган.

59-оят. «Албатта Исонинг (отасиз туғилишининг) мисоли Аллоҳ наздида худди Одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра “Бўл”, деди. Бас, у (жонли одам) бўлди».

Муфассирлар айтади: «Нажрон элчилари Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Нима учун бизнинг соҳибимизни сўкасиз?” дейишди. У зот: “Нима дебман?” дедилар. Улар: “Сиз у кишини банда дедингиз”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, шундай, У Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир. Бокира Марямга юборган сўзидир”, дедилар. Улар бундан ғазабланиб: “Отасиз яратилган бирор инсонни биласизми? Агар рост бўлсангиз, бизга кўрсатинг-чи”, дейишди. Шунда мазкур оят тушди.

“Асбобун нузул” китобидан
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби
Анвар ТУРСУН
таржимаси



МАККАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Мана, салкам ўн беш асрдан бери дунё мусулмонлари ҳар йили ҳаж ибодатига талпинишади. Илгарилари сафар ниҳоятда машаққатли бўлган: от ёки туяда, кўпинча пиёда, тоғ сўқмоқларидан ва кимсасиз сахролардан ўтилган. Ҳаж сафари бир неча ойга, ҳатто йилларга чўзилиб кетган. Макка йўлида ҳожилар кўпинча қароқчи ва талончилар ҳужумига учрашган.

«Сауди-Пресс» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, 1950 йилгача зиёратчилар сони 100 минг кишидан ортмаган. 1955 йилда улар сони икки бараварга кўпайди. 1972 йилда эса ҳожилар сони 645 минг кишига етди.

1983 йилга келиб ҳаж қилувчилар сони илк марта бир миллион кишидан ошди. Саудия Арабистонига келувчилар сони тинмай ортаётгани учун Ислом Конференсияси Ташкилоти 1988 йилда ҳар бир мамлакат аҳоли сонига қараб ўрин ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. 1992 йили Саудия Арабистони чет мамлакатлардан бир миллион ҳожини қабул қилди, шунингдек, Подшоҳликнинг бир миллион фуқа-

роси ҳам улар билан бирга ҳаж ибодатини ўтади. 2005 йили чет эллик ҳожилар сони бир миллион эллик уч минг кишини ташкил этди.

2008 йилги ҳаж мавсумида уч миллион ҳожи зиммасидаги фарзлардан бирини адо этди.

Аксар ҳожилар Маккага учоқларда келишади. Автоулов ва кемалардан фойдаланувчилар ҳам анчагина. Зиёратчилар гуруҳларига совутгичлар билан жиҳозланган 58 минг юмшоқ ўринли автобуслар хизмат кўрсатади. Макка ичида ва ташқарисида кўплаб беш, тўрт, уч юлдузли меҳмонхоналар қурилган.

Сўнгги йилларда Саудия Арабистони Подшоҳлиги зиёрат ва ибодат жойларини кенгайтириш, инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳожиларга қулайлик яратиш бўйича катта ишлар олиб борапти.

Мамлакат раҳбарининг ижозати билан бу йил Ислом оламининг бош масжиди

— Масжидул Ҳаромда кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, бу йил барча Ислом давлатларидан келадиган ҳожилар сонини сезиларли қисқартирди. Бу йил илк марта

ҳаж қилиш учун махсус рухсатнома жорий қилинди, бусиз ҳатто Подшоҳлик фуқаролари ҳам ибодат жойларига қўйилмайди. Бу қондани бузганлар қаттиқ жазоланади. Бундан ташқари, чет элликларга кириш визаси беришнинг қатъий муҳлати белгилаб қўйилди, энди ҳукумат аввалгидай бу муддатни узайтирмайди. Шунингдек, ҳожиларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддати ҳам аниқ белгилаб қўйилди, энди аввалги йилларга ўхшаб ҳаждан белгиланган муддатдан ўтса ҳам

ҳожилар уйга жўнашни пайсалга солишмайди деган бўлди.

Ибодат жойларига ҳожиларни етказиб бориш муаммоси ижобий ҳал этилмоқда. Автобуслар сонини кўпайтиришдан ташқари, 2010 йилга бориб темир йўл ишга тушади. Поездлар Мино водийи, Арафот тоғи ва Муздалифа орасида қатнайди. Улар соатига етмиш минг йўловчига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари Макка ва Мадина ўртасида тезюрак поездлар қатнови ҳам режалаштирилмоқда.


Яна шунинг таъкидлаш керакки, Маккадаги бош масжидни кенгайтириш лойиҳаси жаҳондаги машҳур меъморлардан Нормани Фостер ва унинг ҳамкасби Захо Ҳадидга юкланди. Матбуот хабарига кўра, бу лойиҳа дунёдаги шунга ўхшаш лойиҳаларнинг энг йириги бўлади.

Ҳаж жойларида хавфсизлик чоралари ҳам кучайтирилди. Ҳажнинг асосий арконларидан бири адо этиладиган Мино водийидаги ҳожилар яшайдиган ўтга чидамли чодирлар ўрнига шинам турар жой мажмуаси қуриб битказилди.

Мажмуа ҳозирча 20 минг ҳожини бағрига олади. Агар лойиҳа ўзини оқласа, кейинги беш йил ичида бир миллион ҳожига хизмат кўрсатадиган мажмуалар

қуриш кўзда тутилмоқда. Кишиларнинг йўқолиб қолмаслиги ва бир-бирларини осонлик билан топишлари учун Мино водийидаги Жамрот кўприги яқинида иккита, Минодаги адашиб қолганлар маркази ёнида иккита улкан телевизор экранлари ўрнатилди.

«IslamOnline» ва «Islam.ru»
сайтлари маълумотлари асосида
тайёрланди.



ФИНЛАНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ



Майдони: 338 150 кв. км.
Аҳолиси: 5,2 миллион киши.
Пойтахти: Хелсинки шаҳри.

Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 5 та лян (музофот) ва мухтор Аланд оролларида иборат.

Йирик шаҳарлари: Тампере, Турку, Оулу, Куопио.
Пул бирлиги: евро.

Милоднинг биринчи асридан бошлаб бу ҳудудни сум, ем, фарбий корел қабилалари макон туттишган. Бешинчи асрда эса Финландия ерларини суоми (фин) қабилалари эгаллашди. Ўн иккинчи-ўн учинчи асрлардаги салиб юришлари чоғида мамлакатнинг бутун ҳудудини шведлар босиб олишди. Ўн олтинчи-ўн еттинчи асрларда у Шветсия герсоглиги таркибида эди. 1721 йилги Ништадт сулҳига биноан Финландияга қарашли Карелия ўлкаси ва Виборг шаҳри Русия қўл остига ўтди, орадан йигирма йил ўтгач эса, унинг жанубий-шарқий қисми ҳам Русияга қўшилиб кетди. Рус-швед уруши натижасида

мамлакат 1809 йили “Русия таркибидаги Финландия улуғ князлиги”, деган ном олди. Уч йилдан сўнг Хелсинки шаҳри ўлка пойтахти қилинди.

1917 йил 6 декабрда собиқ совет ҳукумати Финландияга мустақиллик берди. Икки йилдан кейин мамлакат ўзини республика деб эълон қилди. 1932 йили хужум қилмаслик тўғрисида СССР билан шартнома имзоланди. Аммо 1939-1940 йиллардаги совет-фин уруши оқибатида Финландия яна Карелия ўлкаси ва Виборг шаҳрини бой берди. Иккинчи жаҳон урушида у фашистлар Олмонияси томонида туриб урушди. 1947 йилги фин-совет сулҳ-шартномасига кўра Финландия 12 фоиз ерини СССРга беришга ва товон тўлашга мажбур бўлди. Мамлакат 1955 йилдан БМТ ва 1995 йилдан буён Оврупа Иттифоқи аъзосидир.



Финландия саноатлашган аграр ўлка саналади. Унинг шимолий минтақада жойлашгани саноатни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлди. Ёғочни қайта ишлаш мамлакат иқтисодининг асосий ва энг кўп фойда келтирувчи тармоғидир. У бошқа мамлакатларга кўплаб миқдорда ёғоч-тахта сотади. Мебелсозлик ва қоғоз ишлаб чиқариш ҳам анча тараққий этган. Ўрмонларнинг бешдан тўрт қисми хусусий тармоқ вакиллари қўлида.

Финландия кемалар, музёра кема, яхта ва қайиқлар,



қоғоз саноати ускуналари ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Фин кимё саноати ички эҳтиёжни қондириб, четга ҳам маҳсулот сотади. Тўқимачилик фабрикалари ва чинни заводлари маҳсулотларининг бозори чаққон. Озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам жадал ривожланмоқда.

Финландия иқлими деҳқончилик учун қулай эмас. Шунинг учун ғалла, айниқса бугдой асосан четдан сотиб олинади. Бу ерда фақат озуқа экинлари экилади. Гўшт-сут етиштириш анча тараққий этган. Мўйнали ҳайвонлар боқишга катта эътибор берилади, барча фин мўйналари чет мамлакатларга сотилади. Балиқчилик ҳам катта фойда келтиради.

Финландия четга машина ва ускуналар, темир, пўлат, ёғоч-тахта, қоғоз маҳсулотлари сотади. Четдан эса озиқ-овқат, нефт ва унинг маҳсулотлари, транспорт ускуналари, газлама ва дон сотиб олади. Асосан Оврупа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ, Русия, Япония билан савдо алоқалари ўрнатган.

Мамлакат аҳолисининг тўқсон фоизи лютеранлар, икки фоизи эса православ насронийлардир. Финландияда Ислом динига қизиқиш йил сайин кучаймоқда. Агар 1965 йилда бу ерда мусулмонлар сони бор-йўғи минг кишини ташкил этган бўлса, 1998 йили 10 мингга, ўтган йили эса 40 мингга етди. Хелсинки, Турку, Тампере каби шаҳарларда бир неча масжид ва Ислом марказлари ишлаб турибди. Мамлакат исломий ташкилотлар уюшмаси аҳолининг кенг қатламига Ислом дини ҳақида янада батафсил тушунча бериш, масжид ва марказлар учун диний мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берапти.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 116-118.
2. «Атлас мира». Справочник, Москва, 2003 г. Стр. 28-29.
3. Интернет сайтлари.



Алҳамдулиллаҳ, мен ҳам ўтган йили ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлдим.

Муборак сафарга отланишдан олдин кўқонлик устозим Абдулҳафиз домла Шерматовни зиёрат қилдим ва дуоларини олдим. Устозим қиблага қараб дуога қўл очдилар ва йиғлаб туриб: «Илоҳим, бир ожиз қулинг ҳаж қилиб, ризолигингни топиш учун сафарга отланмоқда. Раббим, бу қулингга ибодатларни комил адо этишни осон айла! Ўзинг ёрдам бер!» деб дуо қилдилар.



Кўнглим нурга тўлди

Каъбани тавоф қилар эканман, марғилонлик Абдулмажид деган укамиз ҳам мен билан бирга эди. Каъба билан менинг орамиздаги масофа беш-олти метр келарди, шेरим сал узоқроқда, мени ҳам ҳолироққа, четроққа чақирар эди.

Менинг эса, Каъбага янада яқин боргим келарди. Айниқса, қора тошни бир силасам, иложи бўлса, ўпсам, дердим. Яман рукни бурчагидан ўтганимдан сўнг Аллоҳ таолонинг марҳамати билан, қандайдир бир лаҳзада мен билан Каъба орасига ип тортиб қўйилгандек йўлак пайдо бўлди...

Раббим улуғ ва азиз бандалари Одам (алайҳиссалом) ва Иброҳим (алайҳиссалом), Ҳожар онамиз, Исмоил (алайҳиссалом), Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳобаи киромлар кўрган ерларни кўришга, юрган йўлларида юришга, намоз ўқиган масжидларида намоз ўқишга мен ғариб қулни ҳам муяссар айлади. Шундан буён кўнглим бир ёруғ нурга тўлган. Ҳаж даврида олинган сабоқ, ибратлар кўз олдимда туриб, юрагимга қувват беради.

Абдулфаттоҳ ҳожи ТЎХТАБОЕВ,
Бешариқ тумани Ропқон қишлоғи

ЖАННАТ ВАСФИ*

Жаннат дарахтлари ва меваларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

“(Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур”¹.

Бошқа оятда:

“Тақводор зотлар эса (у кунда), албатта, соя-салқинлар ва чашмаларда ва кўнгиллари истаган (турли хил) мевалар ичида бўлурлар”².

Бошқа оятда:

“Улар у жойларда (сўриларда) суяниб ўтириб, мўл-кўл мева-чева ва лаззатли ичимликлар чақирурлар”³.

Бошқа оятда:

“...Улар учун у жойда барча мевалардан бордир...”⁴

Бошқа оятда:

“Албатта, тақводорлар учун (жаннатда катта) нажот (ва неъматлар) бордир. Яна боғлар ва узумзорлар”⁵.

Бошқа оятда:

“У иккисид (жаннатнинг икки боғида) барча мевадан икки нави бордир”; “У иккисид (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир”⁶.

Бошқа оятда:

“Улар у жойда хотиржам бўлган ҳолларида ҳар турли мевани чорлагайлар”⁷.

Бошқа оятда:

“Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да,

оқизиб қўйилган сув (бўйи)да, кўплаб мева (узрак)и, (улар) туганмас ва ман этилмасдир”⁸.

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Бошқа оятда:

“Олий жаннатда, мевалари (узиб олувчига) яқиндир. (Жаннат аҳлига:) «Ўтган кунларда (дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу ноз-неъматларни) ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!» (дейилур)”⁹.

Жаннат дарёларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

“Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларга остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар бордир. Бу эса катта ютуқдир”¹⁰.

Бошқа оятда:

“Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (сифати будир): Унда айнимас сувдан иборат анҳорлар ҳам, таъми ўзгармас сутдан иборат анҳорлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (ақдан оздирмайдиган) ичимликлардан бўлмиш анҳорлар ҳам ва мусаффо асалдан иборат анҳорлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (у жойда) Парвардигорларидан мағфират бордир”¹¹.

Бошқа оятда:

“Албатта, тақводорлар (жаннатдаги) боғларда ва дарёлар узрадилар. (Улар) қудратли подшоҳнинг (Аллоҳнинг) ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар”¹².

Жаннат булоқларининг сифати

Аллоҳ таоло айтади:

“Тақводорлар эса, албатта, (жаннатдаги) боғлар ва булоқлардадилар”¹³.

Бошқа оятда:

“Албатта, яхши (солиҳ киши)лар (жаннатда) аралашмаси кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадаҳдан ичурлар. Аллоҳнинг бандлари (жаннатда) ичадиган (бу) чашмани (ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб (оқизиб) олурлар”¹⁴.

Бошқа оятда:

“Унинг аралашмаси юқори навдандир. (У навнинг номи «тасним» бўлиб, у Аллоҳга) яқин (банда)лар ичадиган бир чашмадир”¹⁵.



Бошқа оятда:

“У иккисида икки оқин чашма бордир”; “У иккисида (суви) тинмай отилиб турувчи икки чашма бордир”¹⁶.

Бошқа оятда:

“(Жаннат аҳлига) у жойда аралашмаси занжабил бўлмиш қадаҳларда ичирилур. У ердаги чашманинг номи Салсабил деб аталур”¹⁷.

Жаннат аҳли неъматларининг давомийлиги

Жаннатийлар жаннатга киришганида фаришталар уларни кутиб олишади ва уларга илгари эшитилмаган жаннат неъматлари ва у ерда абадий қолиш башоратини беришади.

Аллоҳ таоло айтади:

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) оқиб туради, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир”¹⁸.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг бир жарчиси, албатта, сизлар соғломсизлар, ҳеч қачон касал бўлмайсизлар, сизлар тириксизлар, ҳеч қачон ўлмайсизлар, сизлар ўспиринсизлар, ҳеч қачон қаримайсизлар, сизлар неъматдасизлар, ҳеч қачон умидсиз бўлмайсизлар, деб нидо қилади”, дедилар»¹⁹.

Ушбу ояти карима бунга далил:

“Дилларидоги (ўзаро) адоват (тўйгулар)ни суғуриб ташлаймиз. Остиларидан анҳорлар оқажак. (Шунда) айтурлар: «Ушбу (ҳидоят)га бизни бошлаган Аллоҳга ҳамд (айтамиз). Агар бизни (Ўзи) бошламаганида, тўғри йўлни топа олмаган бўлур эдик. Раббимизнинг пайгамбарлари ҳақиқатни келтирган эканлар». Уларга нидо қилинур: «Мана шу – жаннат. Қилган (савобли) амалларингиз сабабли у сизларга мерос қилиб берилди»²⁰.

Жобир (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳдан: “Аҳли жаннат ухлайдими?” деб сўралди. У зот: “Ўлимнинг укаси бўлган уйқу йўқдир”, дедилар»²¹.

Жаннат даражалари

Аллоҳ таоло айтади:

“(Бу дунёда) уларнинг бирларидан бирларини (ризқ ва мартабада) қандай устун қил-

ганимизни кўринг! Шак йўқки, охираат даражалари каттароқ ва афзалроқдир”²².

Бошқа оятда:

“Шунингдек, ким у Зотга (Аллоҳ ҳузурига) яхши амалларни қилиб, мўмин ҳолида келса, бас, ана ўшалар учун юксак даражалар, остидан анҳорлар оқадиган, улар доимий қоладиган мангу жаннатлар бўлур”²³.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва Унинг элчисига имон келтирса, намоз ўқиса, рўза тутса, ...уни жаннатга киритиш Аллоҳнинг зиммасидадир”, дедилар. “Расулulloҳ! одамларга бу ҳақда хабар берайликми?” деб сўрашди саҳобалар. У зот: “Жаннатда юзта даража бўлиб, Аллоҳ уни ўз йўлида ҳаракат килувчиларга тайёрлаб қўйган. Ҳар бир даражанинг ораси осмон билан ер оралиғича, агар Аллоҳдан сўрасаларинг, Фирдавс жаннатини сўранглр, чунки у жаннатнинг ўртаси ва олийдир”²⁴.

«Мухтасар фиқҳул исламия»

китобидан «Шайх Зиёвуддин» жомеъ

масжиди имом-хатиби,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент Ислоҳ институтининг ўқитувчиси

Раҳматуллоҳ НУРМАТОВ

таржимаси

¹ Инсон сураси 14-оят.

² Мурсалот сураси 41–42-оятлар.

³ Сод сураси 51-оят.

⁴ Муҳаммад сураси 15-оят.

⁵ Набаъ сураси 31–32-оятлар.

⁶ Раҳмон сураси 52-, 68-оятлар.

⁷ Духон сураси 55-оят.

⁸ Воқеа сураси 27–33-оятлар

⁹ Ҳоққа сураси 22–24-оятлар

¹⁰ Буруж сураси 11-оят.

¹¹ Муҳаммад сураси 15-оят

¹² Қамар сураси 54–55-оятлар

¹³ Ҳижр сураси 45-оят.

¹⁴ Инсон сураси 5–6-оятлари.

¹⁵ Мутаффифун сураси 27–28-оятлар.

¹⁶ Раҳмон сураси 50-, 66-оятлар.

¹⁷ Инсон сураси 17–18-оятлар.

¹⁸ Раъд сураси 35-оят.

¹⁹ Муслим ривояти.

²⁰ Аъроф сураси 43-оят.

²¹ Баззор ривояти.

²² Исро сураси 21-оят.

²³ Тоҳа сураси 75–76-оятлар.

²⁴ Бухорий ривояти.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Украинада янги журнал



Украинада муслмонлар учун янги нашр “Украина и Исламский мир” журнали чоп этилди. “Киев муфтияти”

ташкilotи янги нашр таъсисчиси бўлди.

Рус тилида чиқадиган рангли журналнинг мавзулар доираси кенг. Журнал саҳифаларида мамлакат муслмонларининг бугунги ҳаёти, муаммолари, минтақа ва дунё янгиликлари, Ислom тарихидан лавҳалар, муслмон арбоблари ҳақида хикоялар ва бошқа ранг-баранг мақолалар чоп этилади.

Украина Мустақил муслмон жамиятлари бошқармаси раҳбари Ҳанафий Хусниддинов журналга бош муҳаррирлик қиляпти.

Islam.ru

Обаманинг режаси



АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама 2010 йил ўрталаригача Ироқдан барча ҳарбий кучларни олиб чиқиш борасидаги сайловолди режасида қатъий турганини билдирмоқда.

Янги президентнинг ўтиш даври жамоаси раҳбарларидан бири Жон Подеста шу ҳақда маълум қилди.

Подеста АҚШнинг янги, қирқ тўртинчи президенти қўшинларни катта “масъулият билан”, аммо олдин айтилган муддатларда Ироқдан олиб чиқишга интилаётганини таъкидлади.

CNN, ИТАР ТАСС

“Хато қилганини” тан олди

Оқ уйни тарк этаётган АҚШ президенти Жорж Буш Ироқда оммавий қиргин курули борлиги ҳақидаги маълумотларнинг хато бўлиб чиққанидан энг кўп афсусда эканини билдирди. АҚШнинг ABC телеканали муҳбири билан суҳбатда Буш: “Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаш қарори кўп жиҳатдан махфий хизмат маълумотларига асосланган эди. Аммо кейинчалик бу маълумотлар ёлғон бўлиб чиқди”, дея “хато қилганини” тан олди.



BBC

БМТ қарор қабул қилди

Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Учинчи (ижтимоий, инсонпарварлик ва маданият масалалари)



қўмитаси барча давлатларни динларни ҳақоратлаш асосида фитна чиқариш, одамларда қаҳр-ғазаб уйғотиш каби жиноят-

ларнинг олдини олиш учун одамларни камситиш, кўрқитиш, ижтимоий тазйиқ ўтказишга қарши конституциявий меъёрлар, қонунлар ишлаб чиқишга чақирди. Қўмита кўпчилик овоз билан мазкур масала юзасидан махсус қарор қабул қилди.

Бундай қарордан кўзланган мақсад барча динларга нисбатан бузгунчилик ишлари – асоссиз айбловлар, баёнотлар ва ҳаракатларга қарши курашишдир.

“Интерфакс”

Янги марказ иш бошлади



Москва шаҳрида “Собрание” маданий-маърифий бирлашмалар уюшмаси қошида “Россия – Исламский мир” истиқбол тадқиқотлари маркази очилди. Таниқли сиёсатчи 4-чақириқ Давлат думаси депутати, “Россия – Исламский мир: истиқбол мулоқотлари” фракциялараро бирлашма раҳбари Шомил Султонов янги марказ директори этиб тайинланди.

Мазкур марказ ўтказган илк тадбир “Яқин ва Ўрта Шарқ бўйича Обама жамоаси ташқи сиёсати қандай бўлади?” мавзuida мутахассислар давра суҳбатини ўтказиш бўлди.

IslamNews

ИТБ ёрдамга тайёр



Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) молиявий инқироздан зарар кўрган мусулмон мамлакатларига ёрдам бериш чораларини қидирмоқда. Жумладан, банк халқаро бозорга ИКТга аъзо бўлган давлатлар иқтисодини қўллаб-қувватлаш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар чиқарадиган бўлди.

ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али шу ҳақда маълум қилди. Мазкур мақсадда банк хазинасини ўн беш миллиард диноргача (25 миллиард дўллар) кўпайтирди.

Банк раҳбари айтишича, Ислом Конференцияси Ташкилоти билан яқин ҳамкорликда ишлаётгани боис ИТБ инқироздан зарар кўрмаган.

“Islamonline”, “Saydi Press”

Қўпоровчиларнинг дини йўқ

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги бир неча меҳмонхона ва темирйўл бекатида содир этилган қўпоровчилик ҳаракатларида бир юз тўқсон беш киши, жумладан, саксон нафар мусулмон ҳалок бўлди. Ярадор бўлган уч юз киши орасида ҳам ўнлаб мусулмонлар бор.



“Бу ҳол қотиллик йўлига кирган қўпоровчиларнинг юрагида дини йўқ эканидан дарак беради. Улар иложи борича кўпроқ одам ўлдиришни, мамлакатни кўрқув-саросима чоҳига ташлашни исташган», деб ёзади “The MuslimNews” газетаси.

Мазкур нашр таҳририяти мусулмонларни ҳалок бўлганлар ҳақида дуо қилишга чақирган.

Islam.ru

Фаластин халқи билан бирдамлик

Нўябрнинг йигирма саккизинчи кунини Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясида Фаластин халқи билан бирдамлик кунига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Тадбирда



РФ ташқи ишлар вазири ўринбосари Александр Салтанов, савдо-иқтисодиёт палатаси раҳбари Евгений Примаков, Осиё ва Африқодаги кўплаб мамлакатлар элчилари, сиёсий, диний ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Кечада РФ президенти Дмитрий Медведевнинг Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббосга мактуби ўқиб эшиттирилди. Россия раҳбари Фаластинда ички зиддиятлар тез барҳам топиб, бирлик тикланишига умид билдирган. Тадбирда БМТ Бош қотиби Пан

Ги Мун мактуби ҳам ўқиб эшиттирилди. Бош котиб ўз мактубида Исроилни Ғазо минтақасини қамал қилишни тўхтатишга чақирган, Қудусдан араб аҳолини қисиб чиқариш сиёсатини қоралаган.

Islam.ru

Ҳиротга ЮНЕСКО мукофоти

Маданият ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва таъмирлаш борасидаги хизматлари учун Осиё ва Тинч уммони минтақаси бўйича биринчи мукофотга Афғонистоннинг Ҳирот шаҳри лойиқ кўрилди. Мукофотни мамлакат маданият вазири Карим Хуррам қабул қилиб олди.

Ҳирот катталиги жиҳатидан мамлакатнинг учинчи шаҳридир. Шаҳарга милоддан олдинги олтинчи асрда асос солинган. Буюк Ипак йўлида муҳим бўғин ҳисобланган Ҳирот асосан темурийлар ҳукмронлиги даврида гуллаб-яшнагани тарихдан маълум.

РИА “Новости”

Шаҳзода Чарлз эҳтироми



Британия тахт воҳисаи шаҳзода Чарлз ёш истеъдодларга мукофотлар топшириш маросимида мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшаётган қатор мусулмон ёшларга эҳтиромини изҳор қилди. Мусулмон ҳамжамияти “Буюк Британияни ҳартомонлама бойитди” дея таъкидлади Уэлс шаҳзадаси.

Мукофотланганлар орасида болтонлик ўттиз ёшли мутахассис Имрон Ҳаким ҳам бор. У ҳозир бутун дунёда савдоси чаққон “iTeddy” кўғирчоғини ихтиро қилган.

“IslamOnline”

Янги марказ барпо этилади

Болгария пойтахти София шаҳрида маданият, таълим ва ахборот бўйича Ислом маркази қуриладиган бўлди. Бу янгилик шаҳар ҳокими Бойко Борисов билан олий муфтий Алиш Ҳожи учрашуви чоғида маълум қилинди.

Учрашувда Бойко Борисов: “Болгария мусулмонлари динимизни яхши ўрганиш им-

кониятига эга бўлишлари керак”, дея таъкидлади. Шунингдек, у қурилишга тезроқ рухсат берилишини сўраб, туман раҳбари Бимиатар Дилчевга мурожаат қилишини айтди. Марказ қурилиши учун Ислом Конференцияси Ташкилоти маблағ ажратган.

Novinite

Африқода энг қадимий

Яқинда Суданнинг шимолий туманларидан бирида Африқода энг қадимий масжидларнинг қолдиқлари топилди.



“Бундан бир неча ой олдин хартумлик мактаб ўқитувчиси Нава шаҳрига тўйга боради ва одамлардан кўҳна масжид хабарини эшитгач, уни суратга туширади, сўнг матбуотга эълон қилади, – дейди Хартумдаги Африқо халқаро университети профессори Ҳасан Шайхий. – Мен у билан танишдим. Сўнг тадқиқотлар ўтказиш учун Навага бордим...”

Ҳасан Шайхий кўҳна масжиднинг сақланиб қолган пойдеворида “Язид ибн Абу Ҳабибга Аллоҳ раҳматини ёғдирсин” деган ёзувни топади. Ҳасан Шайхий ҳижрий иккинчи асрда Мисрда истиқомат қилган тобеин ибн Абу Ҳабиб тарихини ўн йилдан бери ўрганиб келарди. Ибн Абу Ҳабиб Донголдан Мисрга асир олиб кетилган навалик ҳарбийнинг ўғлидир. У Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) беш юздан ортиқ шарафли ҳадисларини тўплаган.

“IslamOnline”

Дунёда энг шимолий масжид

Норвегиянинг Тромсе шаҳри мусулмонлари дунёда энг шимолий масжидни қуришга қарор қилишди. Ҳозир бу шаҳарда минг нафарга яқин мусулмон яшайди. Норвегия муниципал ҳукумати қурилишга ёрдам беришни билдирди ва масжид учун денгиз соҳилидан ер майдони ажратди.



“Интерфакс”

Мавлоно Ориф Деггароний шогирди Амир Ҳамзага бундай таълим берганлар: “Агар юкимни кўтарсин десанг, юкингни кўтарувчи дўст топиш ниҳоятда қийиндир. Ва агар юкини кўтаришни истасанг, бутун жаҳондагилар сенга дўст бўлгай”.

“Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний” китоби муаллифлари Садрриддин Салим Бухорий билан Самад Азимов бу ҳикматни қуйидагича шарҳлашади: “Юк кўтариш дегани бировнинг ғаму кулфатига шерик бўлиш, камбағал, бева-бечора, мусибатли, дардманд кишиларга ҳамдардлик изҳор қилиш каби инсоний фазилатлардан тортиб, то элу юрт равнақи йўлида фидойи бўлишни англатади. Шунингдек, Мавлоно: “Сенда бировнинг дардига шерик бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш учун рағбат, холисанлиллаҳ, тамасиз хизмат қилиш фазилати бўлса, бутун бани башар сенга дўстдир”, ҳам демоқчилар.

ИНСОНИЙЛИК ЮКИ

Мавлоно Орифнинг юк ҳақидаги теран фикри бугун ҳам долзарб, инсон ҳаёти ҳақида ўйга толдиради. Мўмин-мусулмонда шундай фазилатлар бўлса, ҳаёти мазмунли бўлишини, жаҳон аҳлини ҳам ҳақ йўлга солишга ҳисса қўша олишини эслатади. Юкнинг маъноси кенг. Жумладан, Ватан юкини дадил кўтариш, маънавиятни юксалтириш, миллий қадриятлар ва урф-одатларни янада жонлаштириш биз учун энг эзгу юк — бурч, вазифа эмасми?! Бу юкларни кўтаришга чоғланган мусулмон ғазабини жиловлай билади, катта-кичик қийинчиликларни мардона енгил ўтади. Имони бақувват бўлади. Ҳалоллик ва покликни севади. Фитнадан, ғийбатдан узоқ бўлади. Атрофдагиларга ҳар қандай шароитда самимият ва тўғрилиқ билан атрофидагиларга ёндашади. Меҳр-оқибатли бўлади. Дардчил қалблар оғриғига ҳурмат ва иштиёқ билан малҳам босади. Юкини енгил қилади. Ҳа, Деггароний таълим берганларидек, олам аҳли ўзаро дўст бўлиши учун ёлғон, алдовлардан бутунлай воз кечиш керак.

Аммо ўзимиз манманлик ва такаббурлик юкидан халос бўлганмизми? Шу кераксиз юклар билан овора бўлиб, вафо, садоқат ва қадр-қиммат юкини (бурчи, вазифасини) бир чеккага суриб қўймадикми? Яхшилик юкини ёмонлик юки остида эзиб юбормадикми?

Оила, ота-оналик, фарзандлик юкини қай даражада кўтаряпмиз? Бойлик залворини-чи? Имкониятимиз боис кимгадир фойдамиз тегяптими? Аксинча, кимдир бизнинг ташвишимиз остида қолиб, нафсимиз аравасини тортиб юриш билан оворами? Дунёда мансаб,



мартаба деган юк — масъулият бор. Инсонга муҳаббатли, Ҳақни таниган одам ўзининг юкини бошқаларга ташламайди. Ўзгаларнинг юкини эса дадил, оғринмай кўтаради.

Мавлоно Ориф Деггаронийнинг биргина ҳикматини ўқиб, уқиб, дунё ва инсон, унинг тириклиги ва тирикчилиги ҳақида ҳали яна кўп фикрларга келиш мумкин. Лекин ҳикматнинг маъзи, жаҳвари ўз юкингни ҳеч қачон бировнинг бўйнига юклама, демақдир. Юкингни ўзинг кўтар, ўзинг торт. Юк кўтариш эса аввало ўзи, оиласи ва жамияти олдидаги бурчларини қойилмақом қилиб бажариш.. Уларни бировнинг зиммасига юкласанг ялинганинг, хор бўлганинг, қалбинг оғригани қолади, холос. Зеро, бировнинг юки — бурчи, вазифасини иккинчи одам кўтариши қийин эканини оқил инсон яхши тушунади. Шу боис буни ҳеч бир биродаридан талаб қилмайди. Лекин яхши инсон бўлиш учун шунинг ўзи етарли эмас экан.

Биродар, шундай бир иштиёқ билан яшаки, қўлингдан келганча муҳтожга ёрдам қил, юкини тамасиз кўтар, манзилига элт. Халқларни боғлаб турган, одамзотни бир-бировига муҳаббатли қилган иплардан бири шу.

Ашурали ЖўРАЕВ,

ёзувчи

Ризо ТАВФИҚ

Коинот бир қатра, уммон сендадир

Ғариблар шоми

Бир оқшом овора кезаркан қирда,
Бу ер парилар-ла маскун деб билдим.
Ҳайрат-ла боқаркан, бу ваҳшатзор-да
Ҳусн асрорига тўлғун деб билдим.

Юраркан, мен билан тоғ-тош юарди,
Ҳар оғоч кўлкаси ёндош турарди,
Инондим — мени-да ҳар не кўрарди,
Ҳузурим-ла олам мамнун деб билдим.

Азалдан беридир бу хилват хужра,
Аллалар айтилган бу салқин дара,
Сирини менга ҳам очди шажара
Ёшлигим шу ерда мадфун деб билдим.

Арчалар қанотин керган ҳумодай,
Ўтлоқлар юлдузлар тўла самодай,
Чечаклар ажойиб бир муаммодай!..
Не кўрсам, лол қолдим, афсун деб билдим.

Ошиқ булбул эрдим, дилим сайради,
Сарвистон ичинда кимдир куларди,
Чечаклар қушлардан ўпич тиларди,
Коинот ишқ ичра мажнун деб билдим.

Йилнинг тугаётган куз фасли эрди,
Булут, япроқ, тупроқ нафасли эрди,
Сарвилар қорайган, қафасли эрди,
Ўйчан қояларни маҳзун деб билдим.

Мағрибий ёқмишдир фурқат оташин,
Боғлар фарёд уриб чорларкан қушин,
Тоғларга суянган даврон куёшин
Ярадор бир хаста, хорғин деб билдим.

Ичдим ул куёшнинг оққан рангини,
Рухимни гулхандай ёққан рангини,
Уфқда кўраркан ол қон рангини,
Фалаклар мен каби дилхун деб билдим.

Тоғлар кўм-кўк эди, сувлар қирмизи,
Булоқлар бошида бир пари изи...
Юзиндан ўпаркан оқшом юлдузи,
Мовий кўзларига мафтун деб билдим.

Чўлларда ёнган ўт-наъралар бордир,
Кўллар қирғоғида лолалар бордир,

Узоқдан келгувчи нолалар бордир,
Ярадор бир оху сургун деб билдим.

Куннинг жон талашган сўлғин лабидан
Гўзаллик рангини ичар Ой, чаман...
У кеча борлиқни жонда кўраркан,
У ернинг моҳтобин гулгун деб билдим...

Кел, эл дўст...

Кел, эй дўст, бери кел, ёбонга кетма,
Ҳар неки ахтарсанг, инон, сендадир.
Нафсинга беҳуда азият этма,
Мақсуд Каъба эрса, Раҳмон сендадир.

Чўлларда тентираб, саробга боқма,
Фаришта деб булут — саҳобга боқма,
Толиби ҳақ эрсанг, китобга боқма,
Ўқишни билолсанг, Қуръон сендадир.

Илминг-ла бир қилни сен қирқ ёрарсан,
Кўрганинг ҳар тушда бир ўзинг борсан,
Атрофдан не излаб, кимга қарарсан?
Бу фоний қуббали қўрғон сендадир.

Қилни қирқ ёришни илм-ирфон дема,
Униси яхшидир, бу ёмон дема,
Шуниси тўғридир, бу ёлғон дема,
Ҳеч бирин асли йўқ, ёлғон сендадир.

Кир кўнгил шаҳрига, айлан бир карра,
Қиёс эт — не эрур куёш ва зарра?
Эзгулик, ёвузлик илқингда, қара,
Ёмонлик истасанг, шайтон сендадир.

Жилва этсин десанг камол ила ҳақ,
Манманликдан кечиб, бир ўзингга боқ,
“Аналҳақ” сўзини тилдан тут йироқ,
Лофга қулоқ тутма, ирфон сендадир.

Аввало нафсингни чиқар орадан,
Бир рангга бўянма оқу қорадан,
Кўнглингда Аллоҳнинг нури бор — нурлан!
Зулматда изғима, Яздон сендадир.

Ғайридан изларсан дардингга чора,
Қурт-қушга бердингми дон-дун бир бора?
Жаннатдан чиқдингу, кездинг овора,
Ҳаввони алдаган илон сендадир.





Шонинг кўп юксакдир, нетар паст бўлсанг?
Хар нега топингунг бутпараст бўлсанг.
Бодайи ишқ ила агар маст бўлсанг,
Ўзингга кел, ошиқ, жонон сендадир.

Жоҳил жозигаба ҳақ дея боқар,
Қўрқиб ҳар инс-жинга шамчироқ ёқар,
Бу сайли ҳаводис тўхтамай оқар,
Алалабад боқий қолгон сендадир.

Манбаи сендадир файзи ҳаётнинг,
Келиб-кетган жонлар у нафоҳатнинг,
Ҳайрон бўлаверма, бу коинотнинг
Бори бир қатрадир, уммон сендадир!..



Тоҳир ҚАҲҲОР
таржималари

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Яшил дарахт

Ғуломқодир Қамбаровга

Яхши одам — бир яшил дарахт,
Шохларида гуркирар имон.
Япроғида шовуллайди бахт,
Атрофида гуркирар осмон.

Суйиб елар шаббодалар ҳам,
Унга ташна чўллаган дамлар.
Ажаб унинг сахий бағрида
Қумурсқага, қуртга-да жой бор.

У ёзғирмас, нолалар қилмас,
Саболарни кутиб яшайди.
Аҳли ҳилол аҳди ила маст,
Садоларни кутиб яшайди.

У инграмас, қилмас волалар,
Кемирса-да, қуртлар бағрини.
Жонни омон қилиб турса бас,
Ризқми? Ризқдан бўлмас оғриниб...

Яхши одам — бир яшил дарахт,
Соясида салқинлар осмон...
Шохларида шовуллайди бахт
Баргларида яйрайди имон.

Тўртлик

Ахийлар оҳига ошно қил, Эгам,
Аҳдимни фақр-ла рўшно қил, Эгам.
Йўл олдим ўзимдан Сени ахтариб,
Собир қил, сабрни ош-нон қил, Эгам!

Қатралар

Ранг

Кўплар қора рангни дилсиёҳликлар рамзи деб
тушунади. Астағфируллоҳ!.. Оқ-оппоқ туйғуларин-
гни қора сиёҳда ёзганинг билан қора туйғуларга
айланиб қолмайди-ку! Демак, қора рангнинг
юзини қора қиладиган ҳам ўзимиз — ниятлари-
миздир.

* * *

Бураб кўйса, соат тугул, одам ҳам чиқиллай-
веради.

* * *

Пешонам музламасин десанг оёғингга, аймо-
гим аразамасин десанг, аёлингга эҳтиёт бўл.


* * *

Кўнгил кўчаларини ҳам супуриб турган
маъқул.

* * *

Кўшнингнинг уйига келган меҳмон сенинг
дарвозангдан кирсин.

Тошкент



Дилором ЭРГАШЕВА

Сени дўст тутдим, сабр

Яқин бўлди осмонлар,
Ер юмшоқ, тутсам бағир,
Заиф тортди армонлар,
Сени дўст тутдим, сабр.


Юрагим бир косадир,
Кўзёш ўтни босадир,
Шайтон ўзин осадир,
Сени дўст тутдим, сабр.

Куйдим кимни дўст айтсам,
Ҳикмат бўлди сўз айтсам,
Юз бурмассан юз айтсам,
Сени дўст тутдим, сабр.

Тутган куним қўлингдан
Чиқдим дунё тўриндан.
Кўнглим омон ўлимдан,
Сени дўст тутдим, сабр.

Наманган

САЙЙИД МУБАШШИРХОН ТАРОЗИЙ



Саййид Мубашширхон Тарозий 1890 йили Авлиёота (эски Тароз) шаҳрида туғилган. Отаси Саййид Муҳаммадхон тўра фикҳ олими эди.

Мубашширхон болалигидан илмга ташна ўсди. Унинг эслаб қолиш қуввати кучли эди. Илк билимни отасидан ҳамда Тароз шаҳри устозларидан олди. Кейин Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасида ўқиди, Бухорода таҳсилни давом эттирди, нақшбандия таълимотини ўрганди, Қуръони каримни ёд олди.

Мубашширхон ўшанда ҳукм сурган чор Русияси мустамлакачилиги ҳақида мушоҳада юритар, юрт қашшоқлигини, мазлум халқ ҳаётининг ночорлигини унга боғлар эди. Ўша даврда чиқадиган “Ислоҳ” ва “Ойна” журналларида халқнинг ночор ҳаёти ҳақида мақолалар эълон қилди. Илмларни пухта эгаллаб, илғор фикрли талабаларни фаолликка ундади, иқтидорли олим сифатида танилди.

Мубашширхон 20-йилларданоқ уламолар жамиятларида иштирок этиб, совет ҳукумати танқид қиларди. Табиий, шу туфайли назорат остига тушди. 1926 йили ёш олим Мубашширхон ҳибсга олинди ва барча мақолалари, нутқлари синчиланиб, “советларга қарши” тамғаси билан қамалди. Таҳминан бир йил ўтиб, кафолат ва “жим юриш”

шарти билан озод қилинди. Аммо ҳамон таъкиб остида эди.

У она шаҳрига қайтиб, бир муддат илмий ишлар билан шуғулланди. Халқ орасида обрўси йилдан-йилга ортиб борди. Сўнгра янги ташкил этилган “Туркистон қурилиши” номли ташкилотнинг Авлиёота бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Маҳаллий ҳукумат ташкилотни тарқатиб юборди, барча ҳужжатлари йўқ қилинди. Мубашширхоннинг халқ орасидаги обрў-эътиборидан ҳайқиқиб, қамай олмади, аммо четга чиқиб кетишга мажбур қилди.

1930 йили Мубашширхон ёш ўғли Насруллохонни олиб, чет элга отланди. Ота-бола Фарғона водийида кўп сарсон-саргардонликларни бошдан кечиришиб, ниҳоят, Амударёдан ўтишди.

Ташкилотчи олим Мубашширхон афғон маориф идораларида ишлади. Бир оз ишлагач, ҳукумат янгиланиб, ишдан бўшатилади. Сўнгра соғлиги ҳам ёмонлашиб, 1936 йили даволаниш учун Ҳиндистонга кетди ва Лоҳур шаҳрига ўрнашди.

Бу ерда ҳам тез эътибор қозонди, ҳинд уламолари, жумладан, машҳур адиб Муҳаммад Иқбол билан танишди. “Ҳимояти исломия” жамияти журнаliga мақолалар ёзди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Мубашширхон Тарозий яна афғон маориф вазирлигига ишга таклиф қилинади. Қундуз шаҳрида яшаган ватандошимиз, тарихчи Сулаймон Косоний ёзган “Ўрта Осиё тарихи” китобида Саййид Мубашширхон Тарозийнинг бу даврдаги фаолиятига доир қимматли маълумотлар бор. 1945 йили Мубашширхон оиласи билан Мисрга кўчди.

Мубашширхон Тарозий 1950-1960 йиллари Саудия Арабистонига бир неча марта бориб, у ердаги ватандошлар билан яқин алоқа ўрнатди, Ватан озодлиги ҳақида етук олимлар билан кўплаб суҳбатлар ўтказди, илмий ишлар билан шуғулланди. Олим узок

йиллар Миср кутубхоналари Бош идорасининг “Дорул кутубул Мисрия” ташкилотидан туркий китоблар бўлимига мудирлик қилди. Умрининг охиригача она юрт озодлигини ўйлади, имкон даражасида курашди. Мисрда арабча ва ўзбекча журналлар таъсис этиб, ватандош зиёлиларни ишга жалб этди. Бутун фаолияти давомида четда яшаётган миллатдошларга ўзбек тилини, урф-одатларимизу миллий анъаналаримизни сақлаб қолишни тарғиб қилди.

Саййид Мубашширхон Тарозий араб, форс ва ўзбек тилларида баракали ижод қилган. Афғонистон, Миср, Туркия ва Олмонияда чиқадиган журналларда кўплаб мақолалари босилгани маълум. Олим илмий асарларининг тўла рўйхати ҳозирча тузилмаган. Маккадаги шогирди Муҳаммад Амин хабарига кўра, Тарозий қуйидаги йўналишларда асарлар ёзган: Куръони карим (унинг маъноси, тажвидий қироати ва бошқалар ҳақида); Ислом дини ва унинг йўналишлари ҳақида (мазҳаблар ва уларнинг моҳияти); Ислом ва аёллар масаласи (иккита китоб); Ислом шароб ҳақида; одоб ва ахлоқ, тарбияга доир бир неча китоблар; ўзбек тили ва унинг миллат тақдирларидаги аҳамияти ҳақида; Русиядаги мусулмонлар ҳаётига бағишланган китоблар ва ҳоказо.

Булардан ташқари, “Тарозий” тахаллуси билан ғазаллар девони, 4035 байтдан иборат маснавийлари сақланган. Фикримча, Тарозий асарлари эндиликда мустақилликка, ҳурфикрликка эришган халқимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим. Уларни жамлаш ва халқимизга етказиш зарур.

Саййид Мубашширхон Тарозий 1977 йили саксон етти ёшида Қоҳирада вафот этди. Шогирдларидан бирининг таъбири билан айтсак, Тарозий ҳазратлари “Туркистоннинг мунаввар олими ва олижаноб инсон эди”. Ёзган мақолалари учун ҳеч қачон қалам ҳақи олмаган, бордию почта орқали қалам ҳақи келиб қолса, олиб ғарибларга улашиб берарди. 1980 йили олим туғилганининг тўқсон йиллиги муносабати билан Қоҳирада халқаро анжуман ўтказилди.

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ,
профессор, Андижон

Ҳосилни йиғиштириб, уловга юклаб, доvon орқали водийга кетаётган эдик. Ҳайдовчи Ангрен шаҳридан ўтиб, йўл бўйидаги чойхона олдида тўхтатди. Чойхона Оҳангарон дарёси бўйида, жуда сўлим жойда экан. Нонушта қилиб ўтирган эдик, чойхона ёнига яна бир «Нексия» келиб тўхтади. Эгаси машинадан тушмасиданоқ чойхоначига бақирди: «Шошиб турибман, чой-нон опкел, шашлигингдан бер!»

Кимни кўрсанг, Хизр бил...

Шу пайт соҳилдаги йўлакдан етмиш ёшлардан ошиб қолган отахон чиқиб келди. Ҳалиги «Нексия» эгаси чўнтагидан битта икки юз сўмлик олди-да, бошидан айлангирди, сўнг машинасига бир-икки теккизиб:

«Ҳой бобой, буни олиб, мени дуо қилиб қўйинг», деди. Мўйсафид йигитга қараб:

«Ота-онангиз борми? Менга пул беряпсиз, ота-онангиздан рухсат сўрадингизми?» деб сўради.

«Ҳа, бор, икки юз сўм пулни ҳам сўраб ўтирадимми?» деб тўнғиллади йигит.

«Шу кунларда бирор нарса олиб, ота-онангизни йўқлаб қўйсангиз, кўп яхши бўларди-да... Сизга менинг эмас ота-онангизнинг дуо-си кўпроқ асқотади. Биласизми, Аллоҳ менга тўққизта ўғил берди. Уйли-жойли қилдим, ҳозир бир ўғлим ҳоким, бири бош шифокор... — Отахон ўғилларининг иш жойларини санаб кетди. — Икки юз сўм ҳам пул, лекин Худога шукр, ҳозир менинг пулга муҳтожлигим йўқ», деб келган йўлидан дарё бўйлаб, пастга энди.

Орадан ўн беш дақиқа вақт ўтар-ўтмас, пастки йўлдан “Каптив” русумли “жип” уловини минган ҳалиги отахон чиқиб келди. Уни таниган йўловчи йигитнинг негадир рангрўйи оқариб кетди...

Чойхоначи отахоннинг Москва университетида, сўнг Киевда ўқиганини, кўп йиллар турли идораларда ишлаб, нафақага чиққанини айтди.

«Ҳожи бобонинг фермер хўжалигида олти юздан ортиқ от, уч юз эллик гектар яйлов бор. У киши қишлоғимиздан кўпчиликни иш билан таъминлаган», деди у мамнун ҳолда.

Олимжон САҲОБОВ,
Тошкент

Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

ФАЗИЛАТЛИ АЁЛ

Ўзининг ва эрининг иффатини сақлайдиган аёл яхши аёлдир. Диёнатли аёл уйи ичида безанишига, эрининг кўзини қувонтирадиган ва диққатини тортадиган кийимлар кийишига, уни жалб этадиган турли воситаларга моҳир бўлишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Балки бу ишлари билан ўзини ва эрини ҳаромга майл қилишдан асрашни қасд қилса, савобга сазовор бўлади.

Аллоҳ таоло жаннатда қайта яратадиган аёллар ҳақида бундай марҳамат этади (мазмун): **«Биз амал дафтарларини ўнг қўлдан олганлар учун аёлларини янгидан бокира, кўнгил топадиган, тенг ёшли қилиб яратдик»** (Воқеа, 36—37).

Турли йўл ва воситалар билан эрини хурсанд этувчи аёл кўнгилтопар аёлдир. Хотин эри олдида доимо безаниб юриши, ҳамиша хушбўй таратиб туриши керак. Безаклар аёлни эрининг кўз ўнгида янада чиройли қилади, хушбўйлиги билан уни ўзига тортади. Безаниши чиройли либосларни кийиш, нозик тақинчоқларини тақиш,

сурма, упа суриш, сочларини чиройли турмаклаш, қўлтиқ ва болдирлардаги тукларни кетказиш билан бўлади. Айниқса, бадан ва оғзининг тозалигига катта эътибор бериши, ёқимсиз ҳидларни буткул кетказиши зарур.

Эридан бошқалар учун безанган аёл гуноҳ қилган бўлади. Чунки безак ва хушбўйлик лаззат беради. Аёл эрининг бошқа кимсалардан лаззат олишига йўл қўймаслиги керак.

«Аёлларнинг эрлари олдидаги масъулиятларига ўхшаган эрларнинг ҳам аёллари олдида инкор қилиб бўлмас масъулиятлари бор» (Бақара, 228). Ибн Жарир Табарий ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу): “Мен хотинимнинг мен учун безанишини қандай ёқтирсам, ўзимнинг ҳам хотиним учун шундай безанишимни ёқтираман”, дедилар”.

Аллома ибн Касир: “Уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борича кўринишингизни гўзал қилинг”, деганлар.



Маслаҳатлар

* * *

Аёлларнинг энг фазилатлиси ва мартабаси баланди эрига итоатли бўлган оналардир. Улар фарзанд кўришда кечирган қийинчилик ва ташвишлар сабабли шундай улуғ мартабага

лойиқ бўлишларини унутмаслигимиз керак.

* * *

Аёлнинг ўз бадани бичмига диққат қилиши, семирish ва ёғ босишдан сақланиши ҳам зийнатдир. Зеро, бадан бичими ҳам гўзалликдир.

* * *

Хотинлар ҳайз ва нифосдан тоза кунларида ҳам латта боғлаб юришлари суннатдир. Поклик ва тозаллик талаби шундай. Айниқса, қиз болалар ҳайз кўра бошлагач, албатта шундай қилиши керак.

Хазон ёқилса, ҳавода ис гази пайдо бўлади. Ис гази айниқса ёш болаларга ёмон таъсир қилади: йўтал тутади, кўзларидан ёш оқади, кўз шиллик қаватлари яллиғланади, тумов безовта қилади. Об-ҳавонинг совиши тез-тез шамоллашга олиб келса, ҳавонинг бундай ифлосланиши шамоллашни сурункали ҳолга айлантиради.

Хазонлар билан елим қоғоз, пластик идиш ва бошқа чиқиндилар ёқилса,



йиқилиб тушиши каби ҳолатлар ўткинчи эканини тушунтиринг. Боланинг ҳаётдан завқ оладиган хушчақчақ инсон ёки одамови бўлиб улғайиши айнан ота-онага боғлиқ.

Доимо намланиб турувчи, ушоқлар ёпишган ошхона сочиғи микробларга энг қулай “бошпана”. Баъзида стол, идиш-товоқ артилган ошхона сочиғи билан қўлимиз ва болаларнинг оғиз-қўлларини артамыз. Шу тариқа микробларнинг тарқ-

ҲАЁТДАН ЗАВҚЛАНИБ УЛҒАЙСИН

ҳавода заҳарли моддалар кўпаяди. Улар оғир хасталикларни, жумладан, юракқон томир касалликларини келтириб чиқаради.

Болангизни руҳий тушкунлик, ўзига ишончсизлик ҳиссидан халос қилишни истасангиз, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан қувонишга, бўлиб ўтган ҳар бир воқеага ижобий фикр билдиришга ўргатинг. Ота-онанинг ўзига, ҳаётга бўлган ишончи албатта фарзандларида акс этади.

Кичкинтойингизни эрталаб чиққан қуёшдан, ой-

иси пиширган кулчадан, олган «беш» баҳосидан чин дилдан хурсанд бўлишга ўргатинг. Унинг кичик дунёсида учрайдиган муаммолар — ўқитувчисидан дакки эшитиши,

алишига сабабчи бўламиз. Қўл артиш учун алоҳида сочиқлар тугилиши ва уларни тез-тез ювиб туриш лозим.

Тозалаш ва ювиш воситаларидан фойдалангач, қўлларни яхшилаб ювиш лозим. Айниқса, хлор ҳиди келган ювиш воситаларидан ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Хлор ҳиди заҳарли модда бўлиб, жигар ва ўпкага салбий таъсир кўрсатади.



Қўшсаҳифани
РАЙҲОНА
тайёрлади

Онамнинг дуоси

Ҳар доим ишга кетаётиб онамдан дуо оламан. Бир куни одатимга кўра яна хузурларига кирдим. Онаминг кўзлари қизарган, юзлари сўлгин эди. Юрагим орқага тортиб кетди. Ҳол-аҳвол сўрадим. Онам қисқагина қилиб “шундай ўзим...” дедилар. Елкамдан қоқиб, ҳақимга дуо қилдилар.

Ишхонага қай аҳволда етиб келганим ўзимга аён. Аммо ишнинг тифизлиги мени бир оз чалғитди.

Ўша кезларда ишхонада 220 кучланиш билан ишлайдиган электрокавшарловчи йўқлиги учун 40 кучланишлигини конденсаловчи орқали улаб ишлатардик. Иш жараёнида конденсаловчидан тутун чиқаётганини кўриб қолдим. Уни тоқдан ўчирдим. Аммо ҳали бир қадам ҳам юриб-юрмасимдан у портлади, қобиғи пешонамдан икки ёки уч сантиметр юқоридан ўтиб кетди. Зарб билан шифтга, столга, кейин деворга урилди. Деворда катта из қолдириб, ерга тушди. Кўрқувдан юрагим худди тўхтаб қолгандек бўлди. Вужудимдан совуқ тер чиқиб кетди. Шу он ҳаёлимдан бир савол ўтди: “Агар менга текканида, нима бўларди?.. Алҳамдулиллаҳ”. Бир муддат тек қотиб қолдим. Ҳамкасбларим атрофимни ўраб, аҳволимни тинмай сўрашарди. Ҳеч нима бўлмаганини кўзлари билан кўришгач, хотиржам тортиб, ҳаммаси яна жой-жойларига тарқалишди.

Уйга эртароқ қайтдим. Онам дарвоза олдида турар-

дилар. Мени кўришлари билан йиғлаб юбордилар. Дарров ҳаёлимга “Ишхонадаги воқеадан хабар топтилармикан? Ҳамкасбларим айтмасликка ваъда беришган эди-ку! Ёки юраклари сездимикан?..” деган ўй келди. Онамни қўлтиқлаб уйга олиб кирдим. Нима бўлганини қайта-қайта сўрайвердим. Ахийри, безор бўлдилар шекилли, бир зум менга тикилдилар-да, бундай дедилар: “Бир неча кун олдин тушимда раҳматли опоқдадангни кўрдим. Нукул, ўғлингни кўпроқ дуо қил, садақа балони қайтаради, фақир ва мискинларга садақалар қил, дердилар. Болам, сендан кўнглим нотинч...”

Онам мени бағриларига босдилар. Шундагина бояги хунук ҳодисадан яхши дуо боисидан омон қолганимни тушуниб етдим.

ҲАБИБУЛЛОҲ,
Наманган шахри

Охирги тилак

Бечора ая ҳар куни ўғлини кутди. Эшик тиқ этса, кўчага қаради. Аммо ўғли келмади. Ҳар куни ўзига бир савол берарди: “Тарбиясида қандай хато қилдим экан?” Савол ҳар доимгидек жавобсиз қоларди...

Ая эрининг вафотидан сўнг беш ёшли ўғли билан қолди. Ўзи киймаса-да, ўғлини яхши кийинтириб, яхши едирди, ўқитди. Орзу-ҳавас ила шаҳардан келин қилди. “Бир болам иккита бўлди” деб севинди. Аммо йил ўтар-ўтмас келин тантилигини кўрсатди. “Ўғлиз билан ша-



ҳарда яшаймиз, қишлоқда яшай олмайман. Бўлмаса, ажрашаман..” деб аянинг кўнгини оғритди. Ўғил ҳам хотинининг пинжига кирди.

Аянинг кўнгли оғриси-да, ёлғиз ўғлининг бахтини ўйлаб, розилик берди. Ўғли кетаётиб шароит туғилиши билан ўзи олиб кетишини айтди. Каталакдек ҳовлида ая ёлғиз ўзи мунғайиб қолди.

Орадан йил ўтди. Ўғил бир-икки бор қорасини кўрсатди, холос. Аммо аясига берган сўзи сўзлигича қолди. Ая асли шу ўғли туфайли яшашга, меҳнат қилишга куч топар эди. Суюнчиғини йўқотган ая ёлғизланиб қолди. Барваста аёл бир йилда нимжон, қадди дол кампирга айланди-қолди...

Вафоти олдидан ҳам, ая қўшнилardan ўғлининг суриштирди. Мабодо келиб қолса, ҳаққимга дуо қилишини тайинланглар, деб ўтинди. Аянинг бу сўнгги тилаги жанозага келганларни йиғлатди.

Самариддин ШУКРУЛЛО

ЗАЙНИДДИН ВОСИФИЙ

Илм-фан, адабиёт ва санъатнинг кўплаб ёрқин намояндалари Тошкент шаҳрида истиқомат қилиб ўтишган. Шундай сиймолардан бири 1485 йили Ҳиротда дунёга келган зукко олим, адиб ва шоир Зайниддин Муҳаммад ибн Абдужалил Восифийдир. У Алишер Навоийдек буюк мутафаккир бошчилик қилган Ҳирот адабий муҳитида етишган ва шухрат топган эди.

Зайниддин Муҳаммад Восифийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида унинг ягона улкан асари бўлмиш «Бадоеул вақоеъ» («Нодир воқеалар») ¹ орқалигина фикр юрита оламиз. Восифий бу асарини асосан эсдалик сифатида ёзган. У султон Ҳусайн Бойқаронинг набираси Мўмин Мирзонинг фожиаси ҳақида ёзар экан, (х.903/ мил. 1497-98) ўшанда ўзи ўн икки, ўн уч ёшларда бўлганини айтади. 1511 йили Ҳиротни Исмоил Сафавий ишғол этганида Восифий йигирма олти ёшда бўлган. Шунга кўра, унинг туғилиши тахминан 1485–86-йилларга тўғри келади. Унинг отаси Абдужалил Ҳиротнинг олим ва фозил кишиларидан эди. Манбалардан Восифийнинг араб, форс тилларини, ухровий дунёвий илмларни пухта эгаллагани, ғоят тиришқоқ, заҳматкаш, қатъиятли, ростгўй, кучли хотира, истеъдод ва ўткир зеҳн соҳиби, олижаноб инсон бўлгани ойдинлашади. У Ҳиротдаги мадрасани битириб, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Фаридун Ҳусайн Мирзога котиблик, унинг ўғилларига эса муаллимлик қилган.

Зайниддин Восифий ёшлик йилларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган нотинчлик туфайли машаққатли сафарларга отланишга мажбур бўлади.

У дастлаб Самарқандга келиб, бир ой чамаси турганидан кейин Бухорога ўтади. Бу ерда ҳам кўним топмай, бир оз вақтдан сўнг Сабронга (Туркистон шаҳридан 40-50 чақирим масофада) бориб, у ерда ҳам озроқ яшаган. Сўнг Фанокент, Тошкент, Шаҳрисабз

шаҳарларига сафар қилди. Қаерга бормасин, ўша замонда юз берган қирғинбарот жангу жадаллар оқибатида турмуш ёмонлашганини кузатар эди.

Бу шаҳарларда бўлганида адиб кўпинча мадраса талабалари даврасида, олиму фузалолар, шоирлар анжуманларида, оддий халқ орасида бўлади. Шунингдек, у маҳаллий ҳокимлар саройларида хизмат қилади, турли соҳа соҳиблари, илм-фан даргалари билан бевосита мулоқот қилади. Маърифат, маданият ва давлат йўлида жонкуярлик билан кўп иш қилгани «Бадоеул вақоеъ» саҳифаларида яққол кўриниб туради. Бу улкан қалб эгаси узоқ вақт айрилиқларда бўлиб, ҳаётнинг аччиқ машаққатларини торта-торта, ниҳоят, умидли, ёруғ кунларга ҳам эришади.

Дастлаб у шайбонийлардан Келдимухаммадхон ноиблик қилган Сирдарё бўйидаги Шоҳруҳия шаҳрида яшади. Сўнгра Тошкент ҳокими Севинчжаҳон вафот этгач, унинг ўрнига ўтирган ўғли Келдимухаммадхон туфайли Тошкентда катта эътибор, иззат-ҳурмат топди ва шу шаҳарда бир умрга турғун бўлиб қолди. 1529 йили Келдимухаммадхон Мовароуннаҳр султони Убайдуллоҳон бошчилигида Исмоил Сафавийга қарши кўшин тортганида Восифий ҳамроҳ бўлганини ҳам «Бадоеул вақоеъ»дан биламиз.

«Бадоеул вақоеъ» асари 1532 йилгача кечган тарихий воқеаларни қамраб олган. Зайниддин Восифий Хуросон ва Мовароуннаҳрда кечирган ҳаёти, кўрган воқеаларини юксак бадиий маҳорат билан, ғоятда жонли тасвирлаган. Мазкур асар ниҳоятда қимматли бўлиб, унда ўн бешинчи асрнинг иккинчи чораги, темурийлардан Мирзо Шоҳруҳ ҳукмронлиги даври ҳамда ундан кейинги темурийлар: Мовароуннаҳрда Султонали Мирзо ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро замонидан кечган муҳим воқеалар ҳақида маълумотлар бор.

Зайниддин Восифий китобнинг «Ҳазрати Убайдуллоҳнинг вазири тавсифида» бобида беқиёс гўзаллигини илҳом билан тасвирлаган. Адиб шаҳардаги боғ-роғларга таъ-

¹ Зайниддин Восифий. «Бадоеул-вақоеъ», Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979 йил.

риф берар экан, турфа хил нозу неъматлардан ҳайратланади. Ўн икки дарвозали Тошкент шаҳри қалъасининг метиндай мустаҳкамлигини таъкидлайди. Шунингдек, у феруза ва темир конлари ҳақида ҳам маълумот беради. Восифий қаламга олган жойларда дегрезлар яшаганини бошқа кўпгина манбалар ҳам тасдиқлайди.

Зайниддин Восифийнинг Тошкентда кечган ҳаёти ва фаолияти бўлак манбаларда кўрсатилмагани учун мазкур китобда адибнинг ўзи ҳақида берган маълумотлари аҳамиятлидир.

Адибнинг бу китоби барча асрларда ҳам қадр-қимматини йўқотмай, келгани бежиз эмас. Мазкур китобни ўн тўққизинчи аср бошларида асли хоразмлик, замонасининг забардаст олими, маърифатпарвар шоир ва тарихчи мавлоно Диловархўжа форс-тожик тилидан эски ўзбек тилига таржима қилиб, китоб ихлосмандларига туҳфа этган эди. Бу ҳақда Диловархўжанинг ўзи китоб сўзбошида: «Тарих санаи ҳижрий 1241 (милодий 1825 йили) эрдиким, хайрли ишга қўл уриб, Восифийнинг китоби туркий тилинға таржима бўлди. Бул китобнинг сўзсиз назири йўқ эрди», деб ёзади. 1875 йили бу китобни бир номаълум хаттот рус қоғозига 360 варақ, яъни 720 бетли қилиб кўчирган. Ҳозир мавлоно Диловархўжанинг ушбу таржимаси

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланади.

Зайниддин Восифий мазкур китобини 1532 йили ёзиб тугаллаганини қайд этади. Адибнинг бундан кейинги ижоди ҳақида манбаларда маълумот учрамайди. Аммо унинг 1566 йили саксон бир ёшида Тошкент шаҳрида оламдан ўтгани қайд этилади. Қабри Ҳазрати Имом мажмуасидаги Қафқол Шоший мақбарасида.

«Бадоеул вақоеъ» муаллифи ўн бешинчи-ўн олтинчи асрларда Мовароуннахр ҳамда Шарқий Хуросонда кечган тарихий ҳаётни чуқур эҳтирос билан ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам ўз вақтида бу нодир асардан кўпгина етук олимлар, атоқли ўзбек адиблари илмий-адабий ишларида кенг фойдаланишган. Атоқли адиб Садриддин Айний «Намунаҳои адабиёти тожик» китобида бу асарни «Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари тарихининг узвий равишдаги ёрқин кўзгусидир» деб атаган эди. Шунга кўра, Зайниддин Восифийнинг мозийдан садо берувчи бу асари ўзбек тилида тўлиқ нашр этилар, деган умиддамиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

